



Биринчи мақолат Имон хақида

Кимки бу жахонга инсон бўлиб келган экан, унинг асосий нишони - белгиси имондир. Демак, сабр, шукр ва ҳаёдан иборат бўлган одамларгина Инсон деган шарафли номга муносибдирлар, имондан узок бўлган кишиларни эса бу ном билан атаб бўлмайди. Имон олти қисмдан иборат. Ким бу олти тўсикка эга бўлса, улар ҳар бир кишини олти жиҳатдан ҳимоя қиладилар.

Олтидан биринчиси - мақсуд, яъни Ҳақнинг мавжудлигини билмақдур. Ҳамма нарса қойим _ мавжуд, фақат Аллоҳгина абадийдир. Барча жаҳон аҳлига унинг зоти, исмларнинг пайдо бўлиши, жаҳон сифати нихондур.

Барчани нобуд қилувчи ҳам, барча ўтиб кетиб мавжуд бўлгувчи ҳам ўзидир. Икки жаҳон мулки унга бўйсунди, ўзга жаҳон ҳам униқидир.

Олтидан иккинчиси _ фаришталар. Яхши билиб олгинки, улар барча фалак зиёратчиларидир, улар нафснинг барча ифросликларидан покдирлар. Барчасининг жавҳарлари поқу озод, тупроғу суғу елу ўтдин холи. Барчалари яратилганларидан бери дам олишни билмай хизмат қилишади. Жаннат қушларидек шавқнок, қилаётган ишларидан завққа тўладилар.

Фақат бир қулгина улар ичида бу завқни тополмайди, унинг бўйнида занжир. У халқада учта ҳарф ошқор ёзиб қўйилган, ҳар бирининг домонаси халқавор, ҳар бирининг халқаси ўзаро тутатиб лаъндаги ёзувда булғузул ўқилади.

Учинчиси - осмон китоблари, барчасини ҳеч шубҳасиз тангри сўзлари деб билгайсан.

Китоб эмас, ҳар бири чуқур бир дарё, ҳар сўзи эса шу баҳрнинг гўзал дурдонасидир.

Денгиз эмас, балки ҳар бири ажойиб бир қон, бошдан-оёқ лаъл ила гавҳарга мақондир.

Агар учтаси уч нурли шамъ бўлса, лекин бири Шарқ қуёшидир. Учови ҳам тугилган бўлса-да, буниси етти ота-бобонинг ишини қилгувчидир. Балки бўлса ҳам, сабки масоний, яъни фотиҳа сураси шу китобда янграйди. Унинг бошидаги ҳар бир сураси зарҳалланган, тартиб қоший билан пиширилган, ҳар бир саҳифаси гулшанга, жадвали атрофидаги қизиклар равшан зулолларга ўхшайди. Бог дема, балки фалак, шундай бир

фалакки, сатрлари хар тарафга саф-саф бўлиб тизилган. Унинг саҳифалари атрофидаги ўнта доирача мартабада хар кайсиси бир ложувард фалакка ўхшайди. Хар жузви варақларидаги сўзлар асли хакикат, балким барчаси хақдир.

Тўртинчи _ пайгамбарлар гуруҳи. Уларнинг хар бири бир сафо баҳрининг гавҳари.

Бу сўзларнинг бариси Хақ амри ва унинг томонидан ман килинган хакикатларни бари элга кўргузуб берди. Хар бир билимсиз одам хужжат истаса, хар кайсисига мўжизот кўрсатилди. Барча хақиқий холат аён бўлди, нуксонларга, иллат, ёлгонларга эҳтиёж колмади.

Пайгамбарлар уч қисм бўлиб, аввало, авлиё анбиё гуруҳи келди, сўнг Хақ расуллари. Улар Оллохнинг барча сўзларини халқларга етказадилар.

Сўнг хақ расулига росих бўлиб, дини расул динига носих бўлиб, қуфр қаршисида хар мурсал дили билан машъал ёритди. Унинг шаръи қуёши зухур топғач, бошка машъалалар ичида нур колмади. Унга етганда пайгамбарлар келиши тугалланди. Дин унинг исломи бўлиб колди.

Бешинчиси _ киёмат. Хисоб куни, хисоб куни дема, азоб куни деявер. У куни бўлиши учун киёмат бўлади, элга қилганидан надомат ёзилади, ёзиш учун коғоз саҳифалари етишмай колади.

Шимол аҳли ичида жанжал кўтарилиб, номалари юзларидек қорайиб кетади. Тўғри тарозунинг икки боши бўлиб, бирига гавҳар, бирига тош солинади.

Кўприк устида халқ ташвишда бўлиб, бирига мушкул, бирига осон бўлади. Дўзах ўти чексиз ёниб, халқни ўлдиришда аждаҳо қатнашади. Унинг етти боши айлана гумбаздек бўлиб, етти оғзининг хар бири гордек келади. Гўё етти дўзах эшигини очиб, етти оғзидан ўтлар сочилиб, фирдавс гулшанида озуқа мўл бўлса ҳам, оловлар орасида насим эсаётган бўлса ҳам ўтиш қийин бўлади. Унинг хури руҳи мусаввар қаби бўлиб, қадду, лаби қавсар тўбиси қаби бўлади.

Олтинчиси қадар хақида бўлиб, олдин ёзилган барча яхшилиқлару ёмонлиқлар: май ичиб маст бўлишлар, хаммани маст-бехуш қилиш, йигинларда бўлган барча яхши-ёмон воқеалар, мастнинг нохуш садо тортишию мутрибнинг қилган қилкаш навоси, баъзилар Қаъбага қараб йўл олган бўлса-ю, баъзилар майхона ичида базм тузган бўлса, бири саҳрода ярим-яланғоч ухлаб, яна бири вайронада яшаётган бўлса, маст мугбача _ май қуювчи бола салоҳ аҳлини бевақт уйғотган бўлса, зоҳид ағар эрталабдан май қуйқасини ичиб, фосик хирка қийиб масҳарабозлик қилса,

Барчаси хақ илмида маълум эди,

Лавҳаи махфузда марқум эди.

Яхши амал қилганлар омонлиқдан беҳиштга тушиши ҳам, ёмон феъли туфайли дўзахдан ўрин олиши ҳам номаълум. Тангрига минг йил сужуд қилган одам ҳам жаннатдан ўрин ола олмаса _ фойдаси йўқ. Мугбачалар дайрда халок қилган саиди абадий бўлса, не ажаб?

Қимдаки мана шу олти нарсаларга эътиқод бор экан, у хар қанча номасиях бўлсин, гарқай дарёи гуноҳ бўлса ҳам, Оллоҳим авфига муяссар бўлса, не ажаб?

Лекин бу қард ўти қонни изтиробга солади, унинг ичида қанча-қанча аҳли роз қутиб адо бўлган. Биттаси ўз холига мотам тутса, иккинчиси олам тарқ айлаган. Мен тасвирлаган зиналарга қим етади-ю, қим етмайди _ у ҳеч қимга маълум эмас. Етмаги ҳам ноаниқ, етиши ҳам мумкин.

Бу қил ташвиш қоғиру мўмин учун ҳам қаробар, хар иккисининг ҳам қўнгли шу қард билан банд, қим тўқу қим оқ бўлсин, шу гавқодан холи эмас. Барча бир қиятда, Аллоҳ

шафкат-маърифатини топмокда. Топмок лекин машаккатдадир, истакда, хошишда, иродададир.

Шайх Боязид хакида хикоя

Шайх Боязид бир куни гамгин бўлиб ўтирган эди, муридларидан бири унинг бу нохуш кайфияти сабабини сўради: «Эй, осмоннинг энг юкори кисмларида юрадиган, кадамларинг эса фалакнинг энг юксак манзилларида _ Арш фазосига тўгри келадиган улуг зот! Кўнглинг нимадан бу хил ташвишга мубтало бўлди, чекаётган машаккатларингнинг боиси недур?» Шунда пир ўтли кўз ёшларини тўкди-да, ох-фигон чекди: «Чекаётган изтиробларимнинг боиси шуки, одамлар ўз дарди билан тўс-тўполон, шикоятунорозилик кўтаришади-ю, хар бирига ўзи килаётган иши макбул кўринади. Улардан биронтасини хам чинакам инсон деб бўлмади. Бўлса хам ўтиб кетганлар ичида бўлиши мумкиндир». Савол берган мурид изтироб билан дедик: «Бу оламда хакикий инсон колмаган, дединг, ахир сен ўзингни бу эл ичига кўшмадинг-ку?!» Шайх жавоб бердики: «Эй иши гумрохлик, нодонлик бўлган киши, мен айтаётган сирдан огох бўлмаган одам! Мен каби юз минг саргашта, кўз ёши жигар конига беланганлар, имон билан кетишни билмаса, бундай гапларни айтадиган одам бўлмаса, оламдаги сену менга ўхшаган кичигу катта одамлар _ хаммамиз бу гам тигидан абгормиз, барчамиз бу гамга гирифтормиз. Бу алам-ташвиш билан кимнинг ичи кон бўлмади, кимга бу нукта аён бўлмади?»

Ким чу видў айлагуси жон анга,

Хамрох ўлур йўкса йўк имон анга.

Агар жахон ахлининг барчаси шу дард билан изтироб чекса, менинг сўзларим хатоми, ахир?!»

Шу сўзларни айтиб тугатгач, пирнинг огзи хомуш бўлди.

Иккинчи маколат

Ислом бобида

Аллох таоло бу олам халklarини нажот _ кутулиш ахли ва халок ахли _ халок бўлувчилар килиб яратди, бирларини бутларга ибодат килувчилар, бошкаларини ислом жамоати килиб яратди. Кофирлар маломат-обрўсизликка йўл топди, ислом гурухи эса саломатлик-омонлик, тинчлик, соғломлик сари йўл топди. Бирига дўзах уйи _ ох-вох чекиш манзили тайинланиб, ислом гурухига беҳишт насиб этди.

Кишвари ислом чегараланган бўлиб, бир неча дин ахли аралаш яшайдилар. Бошдан-оёк барча мусулмон эмас, мусулмон бўлганлар бунини ёлгон демаслар.

Исломнинг ўз шартлари бўлиб, оддий одамларнинг кўпчилиги уларни билавермайдилар.

«Ман салимул муслимин _ мен соғлом мусулмонман» деган кишиларгина юзи, кўл-оёғи, тили билан ожизлик кўрсатган кишилар шулар жумласидандир.

Мусулмонлик шартларини Тангри таборак беш турли килмишдир. Уларнинг барчаси муборакдир.

Аввало, «Ла илаха иллоллох» калимаси мохиятини англа, сўнг Мухаммадни бил, уни танишингни айтиб кабул килгил.

Иккинчиси намозни адо этмоқдир. Лекин уни бажаришда баъзи кийинчиликлар ҳам бор. Аввало, тахорат килмок, тахорат кандай килинишини билмақдир. Ўйламаким, сувга кириб ул сув билан бир аъзонгни ювгайсен. Бу хил тахоратни хар бир очкўз, тамаъгир ҳам кила олади. Яна бошкacha бир нафис тахорат ҳам бўлиб, уни бажарганда, аввало сафо чашмасидан хурсандлик билан хотиринг тахтасини поклайсан. Танни эътибор билан ювиб, шу тарзда жонни тоза киласан. Жонни шундай тахорат ичига солиб, тан юзида нуктача каро колдирмай, кўздан ёшингни арикдек окизиб, балки кўнгилдан бошка барча ўй-фикрларни чиқариб ташлаб, ўзлик уйини ўзингга харом килиб, Тангри сари йўл олгандек ўнг оёқни олдин ташлаб уй ичига кадам ташлайсан. Уй эгаси билан икки киши бўлиб намоз ўқимок _ яхширок. Саждада титраб ерга бош кўйиб, куёш каби юзни саргайтириб, вожиби фарзини бажо киласан, суннатни адо киласан.

Шу хил намоз килсанг пок юз билан куёш каби ерга кирасан, тонг чоги бошдан-оёк нурга тўлиб уйгонасан.

Учинчиси ўзингга берилган хамма нарсадан закотни адо килишдир. Бу ерда ҳам икки турли фаркли томон бор. Бири кўплашиб, бири якка холда беришдир. Алохидалиги шуки, расул шаръини кабул килсанг, закот берувчи эса сохиб нисоб, яъни закотни адо эта олувчи бўлса, кирк дирамдан бирини хисоблаб беради. Ихтиёридаги олтинларию дўконлари, хизматкорлар (ходимлар), туёкли хайвонлар, матоу молларидан шарият бўйича тўланади. Дон-дунлар микдори ҳам белгилаб кўйилган.

Тўртинчиси рўзадир. Уни тутгил, лекин фойдаси хакида огиз очмай кўя кол. Рўза хакида баъзи мунозаралар ҳам бор. Чунки Хак рўзани «Ас-савму ли!» деб таъкидлаган. Аллох тутиладиган рўза микдорини ҳам белгилаб кўйган. Худо таоло «12 ойнинг хар бирида рўза тутасен» деб амр килса, нима килардинг. Шунча кун тутсанг ҳам сазовор бўларди, лекин жафосини сен тортардинг.

Аклини ишлатган рўзадор аъзоларига халал етмаслиги ва шарият хилофига йўл кўйилмаслиги зарур. Хар бир аъзо ўз вазифасини бажармаги, хилоф ишга бормаслиги, кўрмаслиги, тутмаслиги, айтмаслиги, эшитмаслиги зарур.

Бешинчиси киблага кадам ташлаб, Каъба томон йўлга тушмоқдир. Бундай саодатга етган одам сахрони икки сафар кесиб ўтиб, соглиги имкон берса, йўллар тинч бўлса, ёнига бир дўстини олиб, фарзлигини хис килгани холда фарз адоси учун йўл олади. Иккинчи бир нарса ҳам борки, камбагал халк ҳам дўсти хотирига тушиб, дўст ёди хотирига шавку талаб ўтини солса-ю, фил каби йўлга тушса, ишк ўтидан телбаланган эл каби эхромини белига боглаб, минг ёгоч йўл юрса, не анга улов, не дўст, не карвон керак бўлади.

Дашт унга гулшан-у, насрин _ тикан,

Йўлики ёнида мугилон чаман.

Самум эсгандаги кизил ранг гулу лола учирган шамол рангини эслатади. Хак унга рахматини далил килиб, шуълада Халилни эслатиб, барча шартини яратиб беради.

Борган одам дўсти уйига мехмон бўлгандек рохатланади. Мезбон хамма нарсани тайёрлаб кўйган. Балки бу мехмонни ўзи хамрох бўлиб уйигача етказиб кўяди.

Хуллас, бадавлатлар канча-канча мол сарфласа, камбагалларнинг боришида ўзгача бир холат бордур. Бой одамнинг топган нозу ниёзини озгина ниёзи билан гариб ҳам топа олади.

Иброхим Адхам хакида хикоя

Иброхим Адхам шахзодаликни тарк этгач, илох унинг бошига фано тожини кўйди. У ўз мамлакату салтанатини фано елига берди-ю, сахро томон жойнамоз билан йўлга тушди ва хар кадамда икки ракъат намозга бош кўйиб, ўзи ёктирган Маккани мадх этиб, ўн тўрт йил йўл босди. Маккага етиб келгач, уни ўз ўрнида кўрмай хайрон бўлди-да: «Ё Аллох, бу канакаси бўлди?» деб фигон чекди. Масжид ичидан овоз эшитилди: «Бир ожиза шу сахрода яёв юриб келаётиб, шавк-мухаббат юкидан букчайиб нотавон бўлиб колган экан, Каъба уни зиёрат килиш учун кетди».

Бу воқеага хайрон колган Иброхим Адхам оркасига караса, Робианинг келаётганини кўрибди. Дедиким: «Сенинг зиёрат маконинг Арш, осмоннинг юкориси бўлса, Каъба томонга азм этиб кўрки, жахонни не холатга кўйибсан?» деб сўради. Робиа дедиким: «Дагаллик килма. Сахрода ўн тўрт йил йўл юриб, сенинг ўзинг оламга гавго солибсан». Иброхим деди: «Эй покиза, балки фаришталар ахлидек фалакда кезувчи аёл, нега мен минг ранж чекиб, ганж сенга тегяпти?» Робиа унга: «Огох бўл, неча йил сен сахрода намоз ўкиш билан банд бўлган эсанг, мен ёлбориш, ўтиниш, умид билан ўтказдим. Сен намози риё мевасидан бахраманд бўлган эсанг, бизни ниёзу фано умидимизга етказди». Бокма, Навоий, яна ноз ахлига, Арзи ниёз айла ниёз ахлига.

Учинчи маколат

Салотин бобида

Аллох сенга меҳрибонлик соясини солиб, Хилофат тахтини сенга насиб этди. Олдингда буюкларни паст айлаб, олам забардастларини сенга маглуб килди. Халкни олдингда ожиз этиб, кадларини олдингда буктирди.

Лекин шуни билгилким, сен хам бир бандасан, хатто кўпрогидан ожизрок хамсан. Улар тупрог бўлиб, сен нури пок эмассан, сен хам, улар хам тупрогдан яратилгансиз. Барча тана аъзоларида хамма билан тенгсан. Лекин хунарда хам, камолотда хам, яхши хулку яхши сўзлашда хам, юриш-туришину адл ва инсофда хам, шариат конунларига амал килишда, Аллох йўлида такво ва тоатда хам сен тўгри йўлдан юрмай, кўпроги бу йўлдан яхширок юради.

Сенга Тангри имтиёз бериб, салтанатнинг энг юксак чўккисига чиқариб кўйди, шахсинга тахтни макон килиб, мамлакатда хукмингни юргизиб кўйди. Раият гўёки гала-ю, сен чўпон бўлдинг. Бўлди раият гала-ву, сен шубон, ул шажару мусмиру _ сен богбон бўлдинг. Кўйни чўпон ою йил асрамаса, у оч бўриларнинг емишига айланади. Дехкон богини тун-кун парвариш килмаса, богнинг куриган ўтиндан фарки колмайди. Бўрини галадан узок тутиб, богингга эса сув бериб маъмур (сероб) кил. Гам есанг, у гала фойда беради, бог гулу мевадан хосил етказиб беради. Гала бўриларга ем бўлиб тугаб, дарахтлар эса куриб тамом бўлса, сенга хам фойдаю хосили колмайди.

Аллох топширган неъматларининг жавобини сўраса, у куни нима деб жавоб берасан? Аклинг бўлса, хозирдан кўзингни очиб, хар бир ишингни ўйлаб кил!

Неча-неча кишилар сенинг хукмингга бўйсунди. Зулм килсанг хам, бечора мазлум бўлиб тураверади, чидайди, гарчи мартабаю пул-дунёси бўлмаса хам унинг пояси сендан хам

ортикрок. Киёмат куни Яратган золимни ҳам, мазлумни ҳам сўрок килади. У коматини рост тутиб турса, сен шарманда холатда комати эгилган бир даражада турасан, мазлум Хакнинг саволларига пўлат ханжардек очик, дадил жавоб килса, сен уятдан бош кўтаролмай коласан-ку! Хар бир килган хатонг хисоб килинган, хар бирига юз азоб белгиланади-ку!

Мазлумлар, сендан зулм кўрганлар гунохларингни кечиримаса, ватанинг муттасил дўзах бўлиб қолади-ку!

Эй подшоҳ! Аллох кўлингни кувватли килди-ю, лекин сен зулм йўлини танладинг. Зулминг халойикка кам эмас эди, энди сен уни ўзингга ҳам килаётирсан. Эй хушёр, зулм ўзингга фиск (гунохдир), агар сенга хуш ёр бўлса, улардан воз кеч, чунки шодлик, хурсандликга берилиб, айшу ишрат йўлига киришиб кетдинг. Базминг бўлаётган касрда жаннат зийнатлари билан ол-яшил пардаларининг иплари эл жонидан, лаълию шингарфи _ олтинранг безаклари халк конидан. У ердаги гиштар мачитларни бузиб келтирилган, тоши халк кабрларидан етказилган, шифт ўртасидаги куёшсимон ялтирок кунгира элнинг дуру лаъли билан олтинранг килиб безатилган.

Шундай манзилда шохларга хос олий зиёфат уюштирилади, айшу ишрат учун бор нарса мухайё килинади. Базмда май куювчилар табассум билан хилма-хил майлар тутадилар, ашулачи _ хофизлар хар сохадан дoston тўкийдилар. Тиллар дейилиши мумкин бўлмаган сўзларни сўзлаб, кўзлар кўриши мумкин бўлмаган нарсаларни кўрадилар.

Базмдаги хар бир қарию хар бир йигит майдан хар бири кутурган ит бўлиб кечаси билан шу хил шармандалик давом этиб, тонг отиши билан яна хар бири бир зулмга машгул бўлади. Хар куни шу хилдаги ярамаслик тунгача давом этади, хар кеча шу гафлат кун бўйи давом этади.

Коида мундогму бўлур, де, ахи,
Бир ўз ишингни гами ҳам е, ахи.
Неча бу беҳудлик ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг, ўзунгга вой!
Зулмни тарк айла-ву, дод айлагил,
Марг кунидин доги ёд айлагил.
Зулмунг эрур кундуз фискинг кеча,
Зулм ила фискинг неча, бўлгай неча?

Май жисм уйини вайрон қилиш учун отилган ўқдан бошка нарса эмас. Балки жисм уйига бало селидир. Қандай қилиб энди у жисм уйи, жон уйи бўлсин, жисм уйи, демаки, имон уйи ҳам бўлолмади-ку!

Сел қайси томонга қараб ўзини уриб тугён солса, шох билан дарвеш уйи ҳам яқсон бўлади.

Бодага кўргузса киши хиралик,
Ақл чароғига берур тиралик.

Агар чирог ўтига бир томчи сув томса, унда ёругликдан кўлингни ювиб қўя бер. Алоҳида бир чирокка бир одам тонгдан кечгача май сувидан кетма-кет жом қуйиб турар экан, машъал ўтига бир қадах сув қуйса ўчади-ю, бу хил чирогнинг холи не кечади? Сув билан машъал ўти, машъал ўтигина эмас, манкал ўти. Манкал ўtimi, кўра ўtimi, тандир ўtimi _ сув етиб борган, унда тобу нур қолмайди. Ёнаётган сув ичра мажусий динидаги одамнинг холи не кечарди, сандал дарахти бир дамда обнус дарахтига ўхшаб қоп-қорайиб кетади-да! Хар кишиким бу сувдан бир идиш тановул қилса, хонанинг сиёҳга айланиши ажаб эмас.

Сув дема оники, бир ўт эрур,

Ким ети кўк хирманини куйдурур.

У шуъла тушса, хасу хашак нима эмиш, осмонни ўртаса, уни куйдириб кул килади.

Вужудинг уйи бир хашак бўлса, зор танинг худди бир ховуч кулнинг ўзи-ку! Бу хашакка неча ўт ураверасан? Бу туфрогни неча соураверасан? Май суви дард ўтининг ўзидир, йўк, у дўзах ўтию тўфон сувидир. У ўтни хасу хашакинга ураверма, куйма, бу сувни бир ховуч хокингга куяверма!

Шохи Гозий хакида хикоя

Шохи Гозий мамлакат тож-тахтини эгаллаш максатида юз-икки юз киши билан гоҳ Хоразм, гоҳ Адоқ ерларида душман билан каттик урушлар олиб бориб, охири ўз муродига эришди ва тахт устида ўтириб, халкнинг арзу додларини эшитишга киришди.

Вайроналарни обод килди, зулмни адолат билан дафъ этди, ўгри ва ифлос одамлар йўқолиб, шариат адолатининг кўлини узун килди.

Бир куни мамлакатни кезиб юрганида, бир паришонхол кампир шох этагини махкам тутиб, оху фарёд килиб, «Эй шариат химоячиси бўлган подшоҳ, адолат билан иш тутадиган бўлсанг, бугун сен билан шаръан даъволашаман. Шартим шуки, шу ерда жавобини бермай, шаръий махкама _ кози олдида жавоб бергайсан», деди. Шох унга «Конимга даъвогарлик килсанг ҳам, шаръан жавоб беришга хозирман», деб жавоб килди. Шу фикрга келишиб, ислом козиси хузурига йўл олдилар. Икковлари ёнма-ён ўтирар эканлар, барча одамлар хайрат билан томоша килишарди. Зол билан Рустам тепасига гўё бутун олам йигилгандек эди.

Кампир дедик: «Шох хокимиятни эгаллаш учун кон тўкиб, жанг киларкан, яккагина фарзандим, богимдаги сарви равоним, куриган дарахтимнинг ёлгиз меваси шу жанглarning бирида халок бўлди. Жигаримни тиг билан ёриб, конини ерга окиздилар». Кози: «Иккита гувоҳ топиб келиб, сўзларингни исбот кил», дегач, кампир: «Икки гувоҳ келтиришни истасам, подшонинг адолатию инсофи етарли бўлади», деди. Шох бу фикрга рози бўлди. Кози: «Адолат конунига мувофик айбдор, яъни шох ўлганнинг хунини тўласин ёки ўзи катл этилсин!» деб хукм чикарди. Шох: «Шариат шундай хукм чикарар экан, бу хукм учун жоним фидо бўлсин», деб, бир рўмол билан ўз бўйинини боглаб, яна юзта олтин тангалар тўлдирилган халтачаларнинг огзини очиб, кўркинч билмай кампир кўлига ханжар тутказди-да, унинг бир томонига юз хамёни тўкиб, деди: «Касос оламан десанг, бошим олдинда турибди, мол-дунёни танласанг, олтину кумушларни олгин. Ўша пайтларда мен касддан ўлимга буюрмаган бўлсам ҳам, хозир ихтиёр сенда».

Кампир тигни кошларини чимирганча диккат билан кўздан кечирди-да, чириган ўтмас тишларини кўрсатиб, шох оёгига бошини эгди ва «Эй, лашкари юлдузлардан ҳам сероб бўлган шаханшоҳим! Болам сенга жонини фидо килган бўлса, мен кексанинг жони ҳам курбон бўла колсин. Мен алам билан газабли сўзлар айтган бўлсам, сен менинг ахволимни хароб килмай афв эта кол», деди. Мана хижолат изхорию лутфу адолат сўраш!

Кампир ўз даъвосидан, ўглининггина эмас, ўз конидан ҳам кечди. Кизиги шуки, одил шох уни ўша даврда адолат билан бадавлат килди. Кампирни юлдузлардек кумушлар билан безаб, фалак золи _ куёшдек яшартирди. Унга халк «Тилла кампир» деб лакаб кўйди. Золи фалакдин неча кўрсанг алам,

Шах чу килур адл, Навоий, не гам.

Тўртинчи мақолат

Риёи Хиркапўшлар хақида

Эй, устамонлик билан дарвешлар кийимини кийиб олиб, шому сахарда бўкириб, фарёд ураётган, хирканинг хар чеккасига шайхлик ва такводорлик макрлари ямоқларини тикиб олиб, унга яна юмалок шаклли коғозларни қадаб, уларни хар бирига мўлжаллаб, иплари макр ришталари бўлиб, игнаси эса иблиснинг мўйлабидек.

Бошидаги эски салласи бурам-бурам бўлиб кетган, эгри хассаси, хийла уйининг устунни, кошки у синиб, бу уй йикилганида эди. Кўлидаги тасбих доналарини бутпараст йўнган.

Бёўхшов соқоли кулгу учун осилгандек, кўриниши ҳам эгри ёғоч устига чиқиб ўтирган эчкидек туюлади. Ишида эчкичалик ҳам тўгрилик йўк, у ўгрини тутса, бунинг ўзи ўгрилик килади. Эчки ахлига яшил ўт, яхшилик тиласа, мингта эчкига ҳам пешволик кила олади.

Тогда ҳам, даштда ҳам тўдани бошқариб, йўл кийинчиликларидан омон олиб ўтади.

Коп-коронги водийда ҳам йўл топиб, тўгри йўлдан адаштирмай галасини бошқаради. Бу тўдасига тўгри йўл кўрсатиб борса, буниси тўгри жаханнам ўти томон бошлайди.

Ул ажойиб тўда зулмат водийси томон йўл олиб, хонакоҳга етиб боришади-да, у ерга бўйра тўшаб, риёкор шайхни ўзларига шайх деб атайдилар. Ўзини ориф деб, Хизр деб билган бу «пир» «муридлар»ни ўз усулларига ўйнатади. Шайхга муносиб риё ахли гоҳи баланд овоз билан бақаришиб, гоҳида пирпиракдек чарх уришиб, ўрнидан туролмайдиган даражада беҳол бўлиб тикилишади. Бундай эл ёмонларнинг ёмонидурларким, улардан ёмонрок кишиларни топиб бўлмайди. Буларга, хатто дўзах ҳам хайф. Улар ўтга ҳам азоб берадилар.

Эй кўнгул, икки жаҳондангина эмас, хатто жонларидан ҳам кечадиган, жонига жонини фидо қилишга тайёр турувчи элга жаҳонлар фидо бўлсин. Улар қай томон назар ташласалар, Хакни кўрадилар, набий суннатига амал қилиб, жаннат умидини ҳам, дўзах ваҳимасини ҳам назар-писанд қилмайдилар. Борликни фоний билиб, ўзларини йўқлик ўти ичида қул айлайдилар. Уларга мухаббат лофи раво эмас.

Хожа Абдуллох Ансорий хақида хикоя

Ул зоти бобаракотни Хирот ахли, уларгина эмас, балки барча қоинот ахли солиқ қибласи деб атаган. Абдуллох Ансорий бир қуни дедиларки: «Менинг ишим тоатдир, тангрининг амрига итоатдир. Бундан мақсадим дўзах ўтининг кўркини ҳам, жаннат ҳам эмасдир.

Инсон кўркув билан Хакка сигинса, ўзининг нафсини қутқариш учун енгилган бўлади.

Қим хоргинлик чекар экан, жаннатдан ўрин олишдан умидворлик қилган бўлади.

Хакдан хар иккови йироқдир, иш хақи учун иккаласи мардикордир.

Менинг ишим доимо топиниш бўлди, кўркуву умид иккаласи ҳам бўлди. Бандалик ишимга жавобгарман, туну кун ишим бундай бўлса узрлиман, тоатим унга лойик бўлмаса ҳам бирон соатим усиз бўлмасин. Кил деди, хар ишини киламан. Рад килиши ёки кабули билан ишим йўк».

Учмогу зохид, томугу булхавас,
Бўлса хавас ёр Навоийга бас.
Ёр юзи ёди била шод ўлай,
Дўзах ила равзадан озод ўлай.

Бешинчи мақолат

Карам, олижаноблик, саховат хақида

Устингга саховат кийими насиб этган, кўлингга сўминг киймати колмаган инсон!

Панжанг магрибу-машрикда кумуш сочиш учун очилди. Кумуш билан кўлинг келишолмайди. Унда фано, мунда эса саховат _ бир-бири билан талашади. Кафтинг чакмоқдан ҳам тезроқ олтин сочиб турганида, чакмоқ уялганидан терга гарк бўлади. Бошинг устида саховат жигаси, унинг устида эса жўмардлик гавхари яркирайди. Буки санга тангри ато айлади, карам кисми билан сахо айлади. Жисмингдаги хар бир тук тилга айланганида ҳам бунинг шукрини айтиб адо этиб бўлмайди.

Энди саховат жўш урган чоғингда шукр килиш керак бўлганда, бахилликка юз тутмагил. Бахиллик барча сифатларнинг энг ярамасидир, саховат хаёт жавхаридир. Бу порлок дурни хор айлама. Бухл хисобида хаддан ташқари сарфлайверма. Саховат хар канча макташга арзирли бўлса ҳам, исроф тарзида кўп сарфлама, акл бекорга исроф этишни бахиллик билан тенг тутди.

Эй, сен тангри молу давлат насиб этган экан, кимларга яхшилик килиш хақида таълим ҳам бериб кўйган. Билиб ол: саховат килиш учун кимлар хакли, кимларга олтин кумуш хадя килиш мумкин?

От чикариш, ном колдириш, исмини улуглаш учун хатто кўл билан этаклаб гавхар сочиш акллиларга муносиб эмас. Маст ёки жинни киши бундай бемаъни ишга кўл уриши мумкин. Кўлида жом тутган киши тўхтовсиз сочаверса, хар канча сочкини тугатиши хеч нарса эмас. Бу хил бемаънигарчиликларни ахоли саховат деб атамайди.

Шундай одамларни ҳам сахий деб бўлмайдики, исроф килмайди, лекин мухтож бўлмаган кишиларга ўз мол-мулкни бекорга сарфлайди: оч бўлмаган кишиларга дастурхон ёяди, ялангоч бўлмаган кишиларга тўн кийдиради. Юзта йилкиси бўлган бойга от тортади, юз йилгиси бор кишига кумуш торттик килади. Бадахшонга лаъл юборса, Кирмонга зира олиб келиб улашади. Хизрни кўриб колса, унга хаёт сувини тухфа килади, Мисрдаги шакарпазга доналаб наввот совга килади. Шамъни кундуз беҳисоб ёритиб кўйиб, куёш зиёсига ёрдам кўрсатмоқчи бўлади. Хар кечаси коронгулик кучайсин деб, тўхтовсиз мушк сочиб чикади. Мухтож эл юзлаб нон тилаб турса ҳам, биронтасига лукма ҳам тоттирмайди. Бундай одамлар куриётган бог устига ёгмай ўтиб, сувини курук чўлга тўккан булутнинг худди ўзгинаси.

Яна бир хил кишилар борки, уларни ҳам саховат ахли тоифасига киритиб бўлмайди.

Бундайларнинг кўзи хамиша халкнинг молида бўлиб, уларни тортиб олиш _ муддаоси.

Зулм, турли фирибгарликлар, ваъдаю алдашлар, гувохликлар воситасида бир мусулмондан истаганини тортиб олади-ю, бошка бировга беради. Олиш хам, бериш хам унинг максади. Олишдан хам фойда йўк, беришдан хам.

Хотами Тойи хакида хикоя

Бир пок табиатли одам Хотами Тойидан сўради: «Кафтларинг иши саховат бўлганидан бери ўзингга ўхшаган бирон кишини кўрдингми?» У жавоб бериб айтдики: «Бир куни катта бир базм куриб, шу чўлда яшаётган барча одамларни мехмон килдим. Зиёфат учун юзта туя, сон-саноксиз кўю кўзи сўйилган эди. Бир вақт мехмонлар олдидан бироз дам олиш учун очикка, сахрога чикдим. Шу пайт кўз олдимда машаккат чекиб, оркасига тиканли шох-шаббаларни ортиб, юк остида жисми уйи эгилиб, унга хассададан сутун тиркаб олган, хар кадам юрганида тўхтаб, хар нафас олгунча дамини ростлаб бораётган бир кекса намоён бўлди. Унинг чекаётган изтироблари менинг кўнглимга ўт солгандек бўлди-ю, унга бокиб, лутфу раҳмдиллик билан шундай хитоб килдим: «Эй, қаддини машаккат юки паст айлаган, жисмида гам тикани азоб бераётган инсон! Бугун Хотам уйида чакирик бўлаётганлигидан хабар топмадингми, унинг даргохидаги зиёфатга бормадингми? Хотам хаммани мехмонга чорлаб, барча яхши-ёмоннинг кўнглини оляпти-ку! Тиканингни ташлагин-да, иззат гулшанига ет, кўп машаккат чекмай, ўрнингдан туриб, чакирилган манзил томон йўл олгин», дедим.

Менинг у хакида ташвиш чекаётганимни англаган киши бошини кўтариб кулди-ю, шундай жавоб килди: «Эй, оёгини хирс-очкўзлик занжирбанд этган, бўйнини эса тамаъю тиланчилик аркони маҳкам боғлаган, гайрат водийсига кадам урмаган ва химмат чўккисига байрок кадамаган инсон! Сен хам бу тикан азобини тотиб кўр, шунда Хотам Тойи миннатини кўтармайсан!»

Унинг бу сўзлари асосли бўлиб, мендан унинг химмати юксак эди». Эй Навоий, сенинг хам химматинг бўлса, Хотами Тойи сенга банда бўлар эди.

Олтинчи мақолат

Одоб хакида

Элга молу дунё шараф-шон обрў бўлмай, хаё билан одобгина шараф хисобланади. Чунки ёгиннинг бошланиши хаё бўлганидек, ёгиннинг хар катраси тупроғни кимёга айлантиради.

Одобсиз кишилар иззатли бўлмайдилар. Баланд осмон бу хил кишиларни пасайтириб кўяди.

Одобсизликнинг бири кулгу бўлиб, кулгу одобнинг йўқлигидан белги, холос. Каҳкахаси туфайли каклик каттик сайраб, бу хил кулгу унинг бошига хилма-хил балолар келтиради. Гунча эса овозсиз, очилса сочилиб кетади.

Яшин ўз каҳкахаси туфайли тоғ ичида йикилиб, ер билан яксон бўлади. Субх эса овозсиз ўз жамолини аён килар экан, куёш нурлари ўз дурларини унинг устидан исирик килиб сочади.

Кулгу ўз хаддидан ошгач, йиглаш ундан кўп яхшироқ бўлиб қолади. Шамъ ҳар туни йиглаб, ўзини аён этар экан, унинг устидан қулаётган гунчаларни ел учириб кетади. Булут паст овоз билан кўз ёшларини тўқар экан, яшин қулгусидан хоксор ҳолатига тушади.

Одобли инсонлар қулгуга кўп ҳам оғиз очавермайдилар. Лекин ҳаё бўлути қатрасиз ҳам бўлмайди. Қахқаха ҳазил билан ёр бўлса, икковининг қиёфаси қурбаканинг қуйи билан сакрашини эслатади. Юзига соқол боғлаб элни қулдиришга интилан одам ўз соқолига ўзи қулгу қелтиради.

Масҳарабоз қулгу уйғотиш учун бир дирам деб нарқ икки шапалоқ ейди. Бойўгли ҳам ўз кўриниши жиҳатидан масҳарабозга ўхшаб қетгани учун, қушлар уни урмоқ учун ҳужум қиладилар. Бу масҳарабозликларнинг барчаси ҳаё ва одоб қелса, дарҳол дафъ бўлади. Қуёш руҳсори жиҳва қилгач, қеча зулмати ер тубига қиришга мажбур бўлади.

Ҳар бир ақл-хушли инсон ўз сўзини ақл билан сўзлайди. Маст одамгина шовқин-сурон солиб гапиради. Тулки билан ит қулгу эшигини очиқса, шер кўрингач, ҳамма уйдан қочиб қиқади.

Тавозуъ ёки адаб деб аталан нарса ҳақида ақл фақат уларни мактаса ҳам, халқ фикрига мувофиқ бирдек бўлмайди. Масалан, уларни ҳар қишининг таврига _ ҳолатига қараб кўриниши ва ҳолатига мувофиқ бақариши зарур. Масалан, бек қулга узоқ ҳурмат кўрсатса, уни яхши ҳурмат қилмайдиган бўлади, гадоининг олдида сақда қилиш эҳсон эмас, балки эҳсон унга танга бермақдур. Бола қелса ўриндан туриш ҳам адаб ҳисобланмайди. Қексалар бундай ишни адабга нисбат бермайдилар. Бундай ҳолда у мутақаббир-у, сен енгил табиатли инсон бўлиб қолсан. Шунинг учун ҳам эл бу икки хил ишни қилишни қоралайди.

Одобда унинг муайян шартларига амал қилмоқ муҳимдир. Ҳар қишига муомала қилинганда, унинг сenga нисбатан ёши, обрў-эътибори қандайлиги ҳисобга олиниши қерак. Бошқаларнинг обрўи сenga нисбатан пастрок бўлса ҳам, баланд бўлса ҳам, уларга яхши муомалада бўлиш қерак. Улар бошқача иш тутсалар ҳам, сен ҳисоб билан иш кўришинг дарқор. Бу хил ишингни жақобини қиёмат қуни кўрасан. Умуман, барча билан яхши муомала қилмоқ вожибдур.

Бирон қиши мартабада сeндан паст бўлиб, сeнинг ҳуқминг остида бўлса ҳам, унинг сўзи, шикоятлари сenga хуш қелмаётган бўлса ҳам, пайғамбаримиз ҳадисларига кўра ёқимли муомалада бўлиш, унга сўз одоби ҳақида ўғит беришдан йироқ бўлмоқ лозим. Бундай одамларга ҳамиша яхшилик қилиш, айни чоғда уларнинг аҳволларидан ҳабардор бўлиб туриш зарурдир. Бу уларга кўрсатилган эҳтиром, таъзиминг бўлади.

Агар ақли аёлинг бўлса, уларга ҳам худди шундай меҳрибонлик кўрсатиш лозим. Болаларни қиқликдан парвариш қилишда ҳикмат кўп. Қатрани садаф тарбия қилиб қелгани учун у гавҳар бўлиб бошга қиқиш шарафига эга бўлди.

Яна бири фарзандга яхши от қўймоқдир. Шундай исм қўйиш зарурки, одамлар атаганларида уялиб қолмасин. Исмларда ҳам фарқ кўп учрайди. Бири Хусайн бўлса, яна бири Язиддир.

Яна бири болага таълим бериш ва илму адаб ўргатиш учун муаллим топишдир. Ит таълим ўрганиб шундай қамол топадики, ҳатто оғзида қелтирган ови ҳалол бўлади.

Болани тарбиялашда унга шафқат кўрсатиш, уни тақдирлаб бориш ҳам дарқор, лекин бу хил ишлар: макташ, муқофотлаш ҳаддидан ошиб қетса, фақат зиён бўлади. Болага меҳрни ҳам, жазо беришни ҳам меъёридан оширмаслик унинг яхши одоби учун ҳизмат қилади.

Одобнинг энг мухим шартларидан бири ота билан она эхтиромини бажо килмокдир. Бу икки зотнинг хизматларини бир хил бажариш, бу хизматларни имкон борича кўпрок адо килсанг хам шунча оз. Бошингни ота қошига фидо айлаб, жисмингни она бошига садка килгил. Икки жахонингга рохат истасанг, ушбу икки зотнинг ризолигини олгил. Туну кунингни ёритмок учун бирини ой, бирини кўёш деб англагил. Сўзларидан салгина хам четга чикмай, васиятномаларидан бир кадам бўлсин ташкари кадам кўймагин. Барча хизматларинг одоб доирасида бўлсин, коматингни эса «адаб» сўзидаги «дол» харфи каби тутгил.

Сўнгра силаи рахм _ кариндошларга садокат, уларга меҳрибонлик, доимий алоқада бўлишни, ўша доира одамларига меҳр-шафкатни ўзинг учун фарз бил.

Кариндошларингнинг барчаси билан доимо муносабатни узмай, улугрогига хизмат кил, кичикрокларига шафкат кўрсатгил. Ўзинг билан тенгкур деб хисоблаганларингга хам эхтиром кўрсатгил. Килган меҳнатингни ҳеч қачон юзига солмагил, ҳурматсизлик килиб зинҳор дилига озор бермагил.

Нўширавоннинг уялгани хақида хикоя

Нўширавон шахзода эканлигида, бир кизнинг ишки билан нотавон бўлди, гунча каби кўнгли тўла қон эди. Ўз ёрига етишиш йўлида огир меҳнатлар килиб, охири унинг висолига муяссар бўлди, бир чаман ичига хилват жой тайёрлатиб, гулрух билан очик суҳбат килмокчи бўлди. У гулузор хам бунга қаршилиқ килмади. Шох дилбари томон кўлини узатган эди, кўзи бир бута нарғисга тушди, бундан уялиб кетиб, дарров кўлини тортиб олди. Суманбар хайрон бўлиб деди: «Бу хилда кўл чўзмокнинг ва дарров тортиб олмокнинг сабаби недур?»

Сабабини шох шундай тушунтирди: «Менинг бундай ҳаракат килишимга нарғиснинг шахло кўзи сабабчидур». Айни ҳаё билан футувват бу ишда уни қувватдан қолдирди. Кўзларини ёшга тўлдириб ўриндан туриб кетди. Унинг бу пок нияти Нўширавонга ҳос бўлган ҳаё ҳосияти эдики, жумлаи оламга уни шох айлади, адлини оламга паноҳ айлади. Айш, Навоий, неча дилкаш дурур, Лек адаб бирла ҳаё хушдурур.

Еттинчи мақолат

Каноат бобида

Ким учун каноат бир фан, одат бўлиб хизмат килган экан, билингки, бой килган хам ана шу каноат бўлган. Олтин-қумушлару турли безакларни бойлик деб хисобламагин, чинакам бойлик каноат ганжидир. Агар кўлингга каноат нақди йўқ экан, ҳаракат килгин-у, нақди каноат билан бойлик топишга интилгин. Чунки тамаъ _ гадолар иши, тамаъгир эса гадонинг ўзидир. Шох тамаъ килса, жигилдонга айланса, каноатли дарвеш подшоҳ бўлгусидир.

Шох ул эмаским, бошига кўйди тож,
Шох ани билким, йўқ анга эҳтиёж.

Шох агар ул бўлсаки, мухтождур,
Харф ила мухтожда ҳам тождур.
Ким каноатни хужжат деб билса, яхши-ёмонга мухтожлиги бўлмайди. Кимки каноат сари йўл топа олса, бу йўл билан шох ҳам бўла олади. Молу дунё билан ўзингни бошқалардан юкори кўйма, каноат мулки билан ўзингни магрур тут.
Сахрода сув истаган бир ташна инсон учун кўлидаги олтун кадахдан не фойда? Курук сувга каттик нонни тўграб еса, сувни оби хаёту, нонни куёш деб билсин.
Биров зийнат учун ошига шолгому сабзи ўрнига олтину кумуш солган бўлса, сузганда олтину кумушлар яраклаб турса, ўзинг айт-чи, оч бир одам уни тановул кила оладими? Уни ейиш тишларга канча озор берса, хазм килиш ҳам ошқозонга осон бўлармикан? Хазм бўлса ҳам инсоф юзасидан карасанг, бекорчи сарф билан исрофдан бошка нарса эмас-ку?
Инсоф эшигини очиб, бу фойдасиз дуру гавхарларни очу ялангочлар устидан сочиб очга емак, ялангочга тўн бериб, юз тилаганга _ минг, бир тилаганга ўн берса, ўзини хакикий конё (каноатли) инсон деб билса, тангрию халк олдида ҳам узрли бўлади-ку!
Баъзи бадавлат кишилар бўладика, ўзининг шундай эхсонларидан кўнгли тўлмайди. Кийими учун эгнида палос йўг-у, элга чиройли, безакли либослар хадя килишни ўйлайди. Бу ниятни амалга ошириш учун аввал ўша халол пулни меҳнат чекиб топиши керак.
Икки каро пулки, чекиб даст ранж,
Яхширок андинки, шох инъоми ганж.
Тинч кўнгул бирла катиксиз умоч,
Бехки биров миннати бирла кулоч.
Баъзилар хаёлда фаровон хаётни, баланд иморатлару кўркам гулистонларни орзу киладилар. Унинг ўрнига жaxonни бир ховуч кулча кўриб, тўби ва сидра дарахтларини хашакча кўриш, кўк касридан ўзининг кийшайган айвонини афзал билиш, кулбаси ой шамидан ёрук бўлиши, эшиги ел кўлидан очик бўлишини ёктириши, эгнидаги ямокли кўйлагини фалак атласидан афзал билиб каноатни шиор килиб яшаш тамаъ билан хор бўлишдан аълодир.

Икки дўст хакида хикоя

Форс мамлакатида икки дўст Чин сари йўлга тушлар. Бири азалдан каноатли киши бўлиб, иккинчиси унинг акси эди. Йўлда борар эканлар, бир катта тошни кўрдилар. Унинг ярми ерда-ю, ярми юкорида эди. Унга «Ким меҳнат килса, тошни айлантириб ўз жойига кўйса, ёзилган бир ёзувни кўради ва бу водийдаги бир остона остида катта бойлик яширинганидан хабардор бўлиб, унга эга бўлади. Кимки меҳнат килиб, алам тортишни истамаса, унинг учун сабру каноат баридан яхширок», деб ёзиб кўйилган экан. Каноатсиз одам бу хабарни ўкигач, бойликка эга бўлиш учун тош остини казишга тушди, каноатли бепарво бўлиб ўтирарди. У ўша атрофни томоша килиш билан банд бўлди, «Менинг каноат бойлигидек бойлигим бор, бу меҳнатдан кандай нафъ тегарди? Тангри эхсон бераман деса, тош ёрилиб ҳам бойлик чиқаверади», деб хаёл сурди-да, эрта туриб сахар томон йўналди, сахарга кирадиган бир неча дарвоза бўлиб, сахарга биринчи бўлиб кирди. Хамма ўша дарвоза _ у биринчи бўлиб кирган дарвоза томон интиларди. Бу элда шундай бир одат бор эканки, мамлакат подшоси нариги дунёга рихлат килган бўлса, аъёнлар бу гапни сахар халкидан яширин тутишар экан-да, кимки сахарда сахарга

хаммадан бурун кирса, уни подшоҳ сайлаб, бошига тож кўйдиришиб, бармогига олтин узук такишар экан. Бу сафар ҳам худди шундай хол юз бериб, халиги мусофирни шох кўтардилар.

Унинг тош остини казиётган дўсти эса огир меҳнатни бажариб бўлгач, тошни ёнига ағдариб караса, ундаги хатда «Хом тамаъ бу дунёда алам чекади», деб ёзиб кўйилган экан. Хуллас, каноат килгани подшоҳ бўлди, бунисини эса тамаъ ранжи хоксор килди. Килма, Навоий, тамаъ элдин дирам, Бор эса, берсанг худ эрур ул карам.

Саккизинчи мақолат

Вафо хақида

Бас, кишига хаётнинг лаззати ёр экан, умр деган ёри вафодор экан. Вафо одатидан узок одам зиёси йўқ шамънинг ўзгинасидир. Зиёдан озукаси бўлмаган шамъ эса гўёки ўтсиз зиё, нури бўлмаган бир муз парчасидир.

Вафоси бўлган кишинигина ёр деса бўлади. У худди умр каби вафодордур. Хар киши оламда ёрсиз бўлса, дури шахворсиз бир садафгинадир, холос.

Ёлғиз одам баходир бўлса ҳам, кўлидан бирор иш, бирор хунар келмайди. Ёлғиз киши қачон кишилар сонига ўтади? Яққа-ёлғиз инсон даврда мақсадига етолмайди. Чунки ёлғиз, бир ховучдан садо эшитиш мумкинми?

Ёрсиз элнинг охи гам-андух бўлади, холос. Ёнса ёлғиз _ ёгоч туташдан нарига бормайди. Ток кишининг уйи ҳам паст бўлади. Қачон уйни битта устун кўтариб турарди? Бургутнинг бир қаноти синса, тез учгани билан дархол чарчаб қолади.

Агар нард тахтасида биттагина рақамли куб (каъбатайн) бўлса, бу ўйинни ўйнаб бўлармиди? Тошки чакмоқдан узокрок тутилса, иккаласи ҳам узокда тураверади-да! Бир-бирларига яқин етишсаларгина уларнинг ўтларидан олам ёришади.

Учи иккига айрилган қаламнинг учларидан бири синса, ёзаётган киши ўз хатини битиролмай қолади.

Жумла жаҳон шохлигининг ори бор,

Кимки гадо дур, доғи бир ёри бор.

Шохнинг ёнида ҳамдамлару ёрлари бўлмаса, кўнглида ташвишлару армонлари ҳам кўп бўлади. Ёр шундайин бир бебаҳо гавхарки, ундай ёрга шох ҳам, гадо ҳам мухтож бўлади.

Мен айтиб ўтганимдек, содик ёр бу даврда мутлақо қолмаган. Топмоқ гарчи мушқил бўлса ҳам, одамзод орасида топилади. Бу хил дўстлар васлидан бахраманд бўлган кишининг бошига жоним исирик бўлсин. Ким вафо кўриб, жафо қилмаган бўлса, кўрган вафосига вафосизлик қайтармаган бўлса, эй сабо, жонимни унга топширайин, ҳеч уялмай унга етказгил. Мендин унга арзи дуо айлагин, йўлида жонимни фидо қилгин. Чаманининг атиргулларида олиб кел демайман, кўзимга йўлининг қанглирини етказсанг бўлгани. Унинг билан суҳбатлашишга имконинг етса, олдидан менинг холимдан сўзлаб берарсан.

Аввал оёғига тушиб паст бўл _ оёқларини ўпгил, тупроғ билан тенг бўл. Субҳ насими каби хомуш турмасдан, шом шамоли каби фиғон айла. Айтким, висолингни тилаб яна қанча зор бўлай, фиरोкингга неча гирифтор бўлай?

Сени истаб шунчалик кўп изладимки, хар кайси кадамим сенинг талабингда бир алам бўлди. Сени тилаб хар канча шиканж кўрган бўлсам, ранж дардидан бошка бирон ганж талаб этмадим. Хар кишинингким оёгига бош кўйсам, менинг бошимга жала каби тош ёгдирди.

Хам бу нафас бошима ет рахм этиб,
Сўнгра не осиг келурунг мен кетиб.
Турмаву зинхор етишгил менга,
Хизр хаёти бу хабар бил менга.
То чикибон ўтру, юз афгон килай,
Кайси фиғон, балки фидо жон килай.
Тушса кўзум йиглаю жононага,
Жон берайин олида шукронага.
Жондин олиб дард бу дармон била,
Бормайин охир дами армон била.
Гар манга бу ком карийб ўлмаса,
Давлати дийдор насиб ўлмаса.
Дашти фано сори хиром айласам,
Мулки адам ичра маком айласам.
Айласалар икки томондин вафо,
Етгай улар жонига онча сафо.
Ким сифати сигмагай аврок аро,
Демайин аврокки, офок аро.

Икки вафоли ёр хусусида

Эшитишимча, шохи комрон, тўрт улус хони Амир Темур Кўрагон иклимларни бирин-кетин босиб олар экан, Хиндистон ўлкасида каттик жанглар бўлди. Сохибкирон голиб келиб бир неча худудларни фатх этди ва душманлар кўнглига кучли дахшат солди. Ёвлар кофир бўлиб, шаханшоҳ уларнинг барчасини кириб ташлашга буйрук берди. Хар бир аскар ўз хохишича бош кесишга киришди. Бошлар селлардаги тошлар каби хамма ёкни тўлдирарди. Ўткир ханжарлар хамма ёкда бош кесишдан бўшамасди. Шу махал икки бечора ёр котилларга дуч келишди. Бир сипоҳ улардан бирининг калласини танасидан жудо килмокчи бўлди. Шохнинг буйругини бажармаса, ўзининг ўлдирилиши аник-ку! Ёнидан ханжарини чиқариб, халиги хинднинг бошини чопмокчи бўлган эди, дўсти бошининг ёв тиги остида турганини кўрган йўлдоши ўз бошини очди-да, душман аскарига тутиб, «Сенга бош керак бўлса, унинг бошига тегмай, менинг бошимни кесакол», деб илтижо кила бошлади. Сипоҳ олдинги хиндини колдириб, кейингисини ўлдирай деб тиг кўтарган эди, ўртоги котил оёгига бош кўйиб ўзини ўлдиришини тиларди. Жахли чиккан сипоҳ «Майли, иккалангизнинг каллангизни оламан» деб, кай бирига ханжар кўтарса, иккинчиси изтироб чекиб фарёд урарди. Икки дўст ўз бошларини олдин кестириш учун бир-бирлари билан талашишарди. Шу хол давом этар экан, эл орасига «ал-омон», яъни «ўлдиришни тўхтатиб, колганларни омон колдиришлар», деган эълон-буйрук эшитилди. Икки дўст бир-бирлари учун жонларидан кечишган эди, шох хам халк конидан кечишга фармон берди. Икки жонажон дўст ўзларининг чинакам садокатларини намоён килишиб, ўзлари хам омон колдилар, элнинг хаётини хам саклаб колдилар.

Эй Навоий, худо сенга шундай ёр берса,
Сен хам унга бошинг билан жонингни фида килгин.

Тўқкизинчи маколат

Ишк ўти таърифиди

Тупрокдан ясатилган одамни тонг сахарлаб рух майи билан маст килдилар танига рух киргиздилар. Тупрогини хикмат кўли билан Эрам богидек яшнатдилар. Жаннат богига ўхшаган бу гулшан хурлар жилвагохининг ўзи эди. Кушлари хар лахзада юз афсона сўзлар, эшитганлар яна янги афсона сўзлаб беришини кайта-кайта сўрашарди. Фалак богидек покиза ва саришта бу богнинг хар бир гули янги чиккан ойга ўхшарди. Юзи энг тоза гулдек бўлиб, чехраси устидаги кизиллик унинг гозаси эди. Комати савсандек тик, балки сарв ила шамшод каби эди. Зулфи мушкин бўлиб, юз ва энг лолаю насрин каби эди. Юзида куёш булогидан томаётгандек суву ўт тобланиб турар, кўзлари наргиси фаттондек, лаблари очилган гунчадек эди. Майин хат-туклари жуда чиройли кўринар, ул сабза устидаги шабнам терга ўхшарди. Хуллас, хусни жамолда тенгсиз эди.

Ишк булбули дoston куйлар экан, бу бўстонни томоша килишга кирди. Назари гулга тушиб, шавк ўтидан жони хабардор бўлди. Жонига ишк ўтидан харорат тушиб, кўнглида гам шуъласидан изтироб пайдо бўлди. Гул унга караб изхори ноз, жилва-табассум кила бошлагач, булбулнинг багри куюб, шундай фарёд чекдики, ўтидан чаманга гулгула тушди-ю, ошигу маъшуклик аён бўлди. Ишк тугёни тобора кучайиб, ошикнинг шайдолиги оша борди, шундан сўнг жахон мулкига ишк гавгоси тушиб, замон ахлини талон-тарож кила бошлади.

Рух бу гул тиканига гирифтор бўлиб, жон хам бу бўй исидан маст эди. Ишк кайси кўнгилни макон этган бўлса, уни ишк ўтдан лаълга кон айлади.

Бўлмаса ишк, икки жахон бўлмасун,

Икки жахон демаки, жон бўлмасун.

Ишксиз ул танки, анинг жони йўк,

Хусни нетсун кишиким, они йўк.

Ишк бир дур бўлса, кўнгил унинг сакланадиган кутичасидир, балки куёш, ишк кўнгил унинг буржидир. Ишк хусн ишидир, киши шамъ билан ўт ёкканидек. Лутфу тароват гулда канчалик кўп бўлса, хасратидан булбулда гулгула хам шунчалик кўп бўлади.

Ошик ўзин ким деса ошик эмас,

Барча киши ишкда содик эмас.

Хаммаёкни кезиб, хуснли бирон гўзални топиб, кейин унга кўнглини бойлаган инсон кўнглини бир пора тош, шамъ ўтидан кизиган бир коя тош деб билинг. Ёлгондан ўзини дардли килиб кўрсатиб, мотами бўлмаган холда ёкасини чок этиб, ташкарисидан хийлагар, ёлгончи, маккор, ичкарисидан иблиснинг ўзгинаси; ташкарисидан садокат зийнат, ичкарисидан бузуклик безбетлиги бўлган ошик чин севги шайдосими?

Ёридан не-не нарсаларни истаб, одобсизликдан тортинмай, гох лаби лаълдан жон тамаъ килиб, жонгина эмас, истаган нарсени тамаъ килиб, гул танини васф этиб, хар бир аъзосини таърифлаб, сўзлари фахшу макрга тўла бўлган ошикни ўлдирса, жисмини бошдан-оёк куйдурса арзийди.

Ошик ани билки, эрур дарднок,
Хам тили, хам кўзию хам кўнгли пок.

Ишк ошикни ўзлигидан поклаган бўлиб, балки фано ўтига хашак этган бўлса, дардини яширганидан юзи саргайиб, кўз ёшини окизаверганидан кўзи пок бўлса, дард юкидан кадди эгилиб, кадди «дол» харфига ўхшаб колган бўлса, хаёлидан бошқалар хаёлини чиқариб, жонини факат жонони хаёли билан тўлдирган бўлса, ёр номидан бошка сўзи бўлмаса, жонида жонон гамидан ўзга гам бўлмаса, хар тарафга караганда, факат ёри жамолинигина кўрса, ана шундай ошикнигина хақикий ошик санаш мумкин. Хатто ўзлиги хам бартараф бўлиб, кўз ташлаганда факат ёрни кўрса, севгида шу тарзда маглуб бўлган ошиккина мухаббатда содик бўла олади. Шундай мухаббатгина унга ўзлигини унуттира олади.

Бундай ошик ўзлигини унутиб, уйдан ташқари чиккиси келмай қолади. Шунда унинг дўстлари уйдан ташқари чикмаётгани учун маломат қилсалар, жаннат ваъдаси билан овутиб, ишқ ўтидан кўнглини совутсалар, у гузару хиёбон сари йўл олиб, даштда тўп-тўп одамларни кўриб, ўша одамлар ичидаги гўзал чехрали сохибжамол ўзининг париваш хусни билан уни ўзига ром қилади. Май ўти рухсоридан юз гул очилиб, бирини дасторига қистириб олган, хусни ўти шуъласи гулзорга ўхшайди. Гулзорининг хар томонида гулнор кўринади. Кошлари хилолни эслатади, ул хилоллар ошик ахлини девона қилади. Халиги кошлар улусни қатл қилмок учун бошларини яқинлаштириб маслахатлашдилар.

Зулфининг сунбуллари устма-уст тушган. Ўтли кўзлари ноз билан хар ёнга боқади.

Лабларида хаёт катраси қотиб қолгандек, йўк, бало чашмасидан жон томиб тургандек кўринади.

Бу қандай жамол намойиши, эй кўнгил? Балки гулистони Халил, эй кўнгил. Шундай жамол билан жавлон қилиб ошик бошига етиб келса, ошикнинг тупрок бўлишдан бошка чораси қолмайди. Ул чоғ Шиблю Зуннун бўлса хам, кўпларни мажнун қилади. Дин уларнинг мотамига хой-хой чекиб, ақл пири болалардек бармогини тишлаб қолади. Жаброил хам унга боқиб, оғзидан сўлақайи оқади. Кўрмаган эл бу ўтдан омон қолади-ю, кўриб қул бўлмок хам ёмон эмас. Кимки қирланган, нопок бўлса, бу тозаловчи ўт орасига қирса, покрок бўлиб чиқади. Кимга бу хил қуйиш одат бўлса, дунёда саодат топади.

Ўнинчи мақолат

Ростлик таърифиди

Хар кишиниким одати тўғрилиқ бўлса, фалак унга хар қанча тесқарилиқ, қайсарлиқ қилганида хам кўрқадиган жойи бўлмайди. Ўқнинг таянч парлари тўғри бўлса, ернинг эгрилиги унга бирон зиён етқазармиди? Йўл қанча тўғри бўлса, йўлчи мақсадидаги манзилига тезроқ етиб боради. Шундай вақтларда қингир-қийшиқлиги туфайли йўлнинг узайиб кетиши аниқ-қу!

Най тўғри бўлгани учун хам одамлар уни тинглашни ёқтирадилар. Чанг эгри бўлгани учун қулогини бураб жазо берадилар.

Айвонда ёнаётган шамъ ўти тўғри қўтарилиши туфайли кечки базм шохиди бўлади, қўп айланиб учавергани билан парвонанинг етиб бориш жойи маълум.

Сарв қомати ўқ қаби тўғри, шу туфайли шамол хам унга зиён етқазолмайди. Богда

чирмашишдан бошка ишни билмайдиган сунбул эгрилигидан юзлари корайиб кетган. Чанг асбоби кили тўгри экан, нафис овозлар чикараверади, салгина эгри бўлса, соз чикмайди.

Назари тўгри одам тўгри, покиза киши бўлади. Кимнинг кўли эгри бўлса, у _ ўгридир. Кўл эгриликка мойил бўлса, уни кесибгина тузатиш мумкин. Хар ким тўгриликни истаса, у икки хусусиятни англаб олсин. Биринчидан, кишининг сўзи тўгри бўлса, сўзигина эмас, балки хам сўзию хам ўзи тўгри бўлса, халол бўлса. Бири буки, ёлгон гапириб кўйганида ачинса, тўгри сўзни чиройли гапирса. Аввалгиси яхши, лекин иккинчиси хам ёмон эмас. Ёлгонни камрок гапирадиган кишилар кошки бизнинг давронда хам бўлса эди. Кимки бу давронда ростгўй бўлса, иши доимо каму кўстликдан бошка нарса бўлмайди. Давр эгриликни талаб килади, сен ростликни тиласанг, розилик билдирмайди. Тўгриликни шон-шараф деб билган кишиларга даврон гардиши душманлик килади. Калам тўгриликни талаб килгани учун боши кесилади. «Алиф» харфи тўгриликни яхши кўргани учун «бало» сўзи уни оёқлари остига олиб мажаклайди. Янги ой эгрилиги туфайли хамминг диккати ўзига тортади. Салла чирмалиб-чирмалиб бош устига чикишга сазовор бўлади. Йўк-йўк, бундай эмас, бу ёзганларим хато. Балки барчаси каламнинг битган хатолари, эгри билан тўгрининг таърифни айни хакикатдир. Шамъ тўгрилигидан хурсанд бўлиб куяди-ю, лекин бошдан-оёғи нур бўлади. Чакмокнинг иши эгрилик бўлгани туфайли хам, гарчи у хам ёриси-да, ер остига кириб йўк бўлади. Дехкон режа чекмас экан, бог ўрнига чангал унади. Дехкон моласиз, уруг сочса, сувни тенг ичмай канчаси яксон бўлади. Кўзгу юзи канча текис бўлса, сохибжамоллар юзи тўгри бўлиб кўринади. Унинг юзи сайкалланмаган бўлса, атрофидаги безаклар уни мутававал _ турли хилда: чўзик, йўгон ва х.к. кўрсатади. Куёш жим турган сувда тўгри акс кўрсатса, сув кўзгалса, эгри кўрсатади.

Хато килиб билмасдан ёлгон гапириб кўйиш ёлгончи деб аташга асос бўлолмайди, чунки бу хил одамлар хато килганини англагач, ўзлари ундан воз кечишади. Ёлгон гапиришни шиор килиб олган, доим ёлгон сўзлашга одатланган одамларни эркагу мусулмон деб бўлмайди.

Ёлгончиликни касб килган киши хар канча харакат килса хам, бир-икки иши юришади-ю, унинг ёлгончилигини халк билмай колса хам, Аллох огох бўлиб, кўриб туради-ку! Ушбу сифатини элдан хар канча яширмасин, ёлгон охир ўзини бир куни ошкор этади.

Одамларни хар сохада алдаб юришдан кўра ўгрилик ундан яхшироқдир. Хар киши ёмон, ёвуз ният билан онт ичган бўлса хам, нияти ўгирлик бўлса, кафорат билан дафъ килиш мумкин. Кимки ўзи ўз сўзини ёлгонга айлантирган бўлса, у, колган барча сўзларини хар канча рост демасин, эл унинг сўзлари ростлигига хеч қачон ишонмайди. Уни азобга солган бу зиён, зарар шу даражадаки, хатто кафорат билан хам ундан озод бўлиш иложсиз.

Кимсага ёлгончи дебон колса от,

Бу от ила чорласалар ўзу ёт.

Сидк хитоби яна ёнмас анга,

Чин деса хам, халк инонмас анга.

Кимки чини эл аро ёлгондурур,

Ёлгони чинликка не имкондурур?

Неча зарурат аро колгон чоги,

Чин демас эрсанг, дема ёлгон доги.

Ёлгончи Дуррож хакида хикоя

Бир ўрмонда ёвуз бир она шер яшарди. У вахшатда осмон йўлбарсидан кўркмас эди. Бола кўрганида завкка тўлиб хурсанд бўлар, аммо кўпинча уларни чумолилар талаб ташлашар, шу туфайли шер ўз фарзандини огзида кўтариб олиб юрарди. Ўша ўрмонда бир кирговул ҳам яшаб, хамиша газабкор шердан кўркиб хаёт кечирарди. Шер дам-бадам боласини тишлаганича ўрмонда хар ёнга кадам кўяр экан, ногахон дуррож ётган ерга бориб колса, у парр этиб учиб шерни сескантириб юборар, шунда у тишини каттикрок сикиб боласига азоб берарди. Ўз жигарига мотам тутгандек бўларди. Кўнгли бу ишдан озор чекиб, дуррож билан дўстлик чорасини излай бошлади. Унга дедики: «Сенда менинг заррача касдим йўк, бу сўзларимга ишонч билан кара. Мендан вахм килмай, дўстиму сирдошим бўлгин. Хурсандчилик чоғларимда эса шодлигимга шерик бўлгин. Мен ҳам сенинг овозингни эшитиб хурсанд бўлай. Шарт шуки, сенга бирон хайвондан зарар етса, овчининг тўрига тушиб колсанг, ёрдам учун дархол кўлимни чўзай, душманни бир панжам билан йўк килай. Ваъдамга содик бўлиб сени душман тузоғидан халос килай!»

Шер кўп тушунтириб, ўз муддаосини баён килгач, дуррож ҳам у билан юракдан ахдлашди. Шундан кейин икковларининг ўрталарида меҳр-мухаббат пайдо бўлиб, кўрганларнинг хаваси келадиган даражага етишди. Шер каерда ором олиб ётган бўлса, атрофида дуррож кўркмай парвоз этар, худди султон бошида хумой айланиб учиб тургандек, шер боши атрофида парвозда бўларди. Шер унинг сайрашини эшитар экан, баъзан ёлгондан ёрдам сўраганини эшитиб қолиб, унга: «Ёлгондан мени ёрдамга чакирма, яхши бўлмайди, тўгри сўз олдида ёлгон ёмон килик саналади», деб насихат киларди. Аммо ҳеч кайси хайвондан кўркмайдиган бўлиб колган дуррож ёлгончилигини йўк этмай, хазиллашгани-хазиллашган эди.

Бир куни бир овчи уни ушлаш максидида ўз тўрини ёйди. Дуррож доналарни еб, сув томон юрган ҳам эдики, овчи тўрини тортди. Куш овози борича ўзининг тузокка тушиб колганидан шерни «Дод! Мени тутиб олишди!» деб огохлантирса ҳам, шер унинг сўзларини хар доимгидек алдамчилиги, хазили деб ўйлади. У дуррожнинг бундай хазилларини, ёлгончилигини кўп эшитиб алданган эди. Шунинг учун бу сафарги чин сўзларини ҳам олдинги киликларидан бири деб билди-да, ёрдамга келмади. Окибатда ёлгончи куш овчи кўлида халок бўлди.

Хар кишиким бирон сўзни бехосдан ёлгон сўзлаб юборса ҳам, халк уни рост деб билади. Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво, нагмага тахсин дегил.

Ўн биринчи мақолат

Илм ва олимлар хакида

Оламнинг иши халк билан душманлик экан, олим хор-у, жохил (билимсиз, нодон) азииз бўлаверади. Токи жахон зулмдан воз кечмас экан, дарахт баланд бўлиб, мева ерга тушаверади. Нокасларга баланд мартабалар-у, билим ахлига _ азоб-укубат, тошлар тоғ

устида-ю, бойлик, конлар унинг остида бўлаверади. Феъли ёмонлар юксак мавкеъларни эгаллаб, оламини хукмига бўйсундираверади. Худди бахтсизлик манбаи бўлган Кайвон (Зухал) юлдузи осмоннинг юкори кисмида ўрнашиб олгандек, «Саъди Акбар» бўлган Муштарий ундан куйида, олтинчи осмонда жойлашибди. Фалак хамиша яхшини ёмондан куйига кўяди, бўлмаса яхши ёмондан гаму озор тортиб, богда гулнинг хамнафаси тикан бўлармиди? Канчадан-канча соф, пок дурларни яширган садафнинг корнини олмос билан ёриб, багрини чок килишармиди?

Багир ёрмок максоди бўлган куш шох билаги устида ором олади, чиройли, дилкаш наволар чекувчи куш _ булбул эса кул ичида хор бўлиб яшайди.

Бир нотавон йигит шахридан илм истаб йўлга тушади, кашшоклигидан оёғида ковуши хам йўк, тўни йўклигидан танаси яланг. Оёкларини тиканлар илма-тешик килиб юборган, бошида икки-уч ўралган салла. Хайвонлар териси каби кийимининг бошидан оёғи тилик-тилик. Максоди кушини кидириб кўзда ёши билан сахар кезади. Эғнида китобу дафтар, илм олишга шошилади.

Корни мухтожлик туфайли хамиша оч. Жисми шунчалик заифлашганки, савол беришга хам мадори колмаган.

Халк кўп бўлгани билан бирон киши унга дўстлик кўрсатиб, мадад килишни истамайди. Бечора йигит ўз шахру диёрини ёдига олиб, бу ерда каерга боришни билмайди. Кўча, уй, бозор кўп, лекин бу йигит каерга бориш, каёкка кадам уришдан ожиз. Окшомгача шу тарзда тентираб коронги тушгач, бирон бурчакни топиб ухлаб колади, лекин тонггача уйку келмай бехол ётаверади.

Тонг отиши билан мадрасама-мадраса юриб, ўз холини айтиб неча кунини бекорга ўтказади. Унинг истагини эшитган баъзилар уни хазил-мазах киладилар. Кундуз маскан, кечаси ётадиган бир жой тополмай, гурбатда изтироб чекиб, шунча алам кўрадики, тил билан хам баён килиб бўлмайди.

Хуллас, мадрасалар бурчагида ўн-ўн беш йил алам чекиб, хам ишлаб, хам билим олишга тиришиб, охири ўзига бир-икки сохиб камол дўст топиб, турли билимларни, ибрий, юнон, сурёни тилларини, хинд тилини хам пухта эгаллайди. Унинг кўнгил уйи бир дарё бўлдики, унинг хар катрасида бир дард нихон эди. Фалак илмларини шунчалик кенг ва чукур эгалладики, Абу Али фикрларини осонгина ечиб берарди.

Лекин унинг душманлари, хасадгўйлари хам йўк эмасди. Айрим жохил, илмсиз золимлар унинг тўгри кўрган нарсасини эгри деб, айтганларини нотўгри, ёкимсиз деб кўрсатишарди. Уни дину диёнатсиз килиб кўрсатувчилар хам топиларди.

Хисобсиз бойликка эга бўлган, кийиму асбоблари заркаш, ёмонликдан итдан хам баттар бир жохил унга ёмонликни раво кўриб, олимнинг фазлу фасохатли сўз ва ишларига кабохат ва разолат билан жавоб берарди.

Амир деган номга эга бўлган бу жохил халкка ўз айтганларини килдира оларди. Унга халиги билимли олимнинг хизмати керак бўлиб, уни хизматга олмокчи бўлди.

Олим эса илтимос кила-кила, зўрга бир маротабагина рухсат олиб, амир кабулига кира олди...

Илмни ким воситаи жох этар,

Ўзинию халкни гумрох этар.

Олим агар жох учун ўлса залил,

Илми унинг жахлига бўлгай далил.

Олим илмга садокат билан хизмат килиши керак.

Олим агар катъи амал айласа,

Илмига шойиста амал айласа.

Солмаса кўз жифаи дунйи сари,

Бокмаса туз дунйийи фоний сари.

Они шараф гавхарининг кони бил,

Гавхару кон, хар не десанг _ они бил.

Бундай олим атрофини чексиз гавхарлар ўраб олган, ўзи осмон бўлса, хар тараф унинг юлдузлари бўлган; конидаги гавхарларининг барчаси хам пок бўлган, юлдузлари хам хароратли, ялтирок бўлади.

Кимга бундай бахт насиб бўлиб, дунёга кўз солмаса, эгнидаги кийимлари юз ямок бўлса хам, асал солинган идишдан яхширок, мушкию нофаси йўк бўлса хам дурустрок бўлади.

Эр кишига хилъат ила не шараф,

Дурга не нуксон йирик ўлса садаф.

Кайси чибин кисвати заркордур,

Ери дурур кайдаки мурдордур.

Имом Фахр Розий ва Хоразм шохи хакида хикоя

Тасаввуф оламининг энг забардаст алломаларидан бири бўлган олам имомларининг имоми Фахри дин бир махал Хоразмга мехмон бўлиб келди. Шунда Хоразм шохи уни кўришга келмади. Илм шукухи бунга хам йўл бермади. Шох ўзининг ушбу килган ишидан уятда эди, лекин имом бунга парво килмади. Воқеанинг сабаби хам очилмаганича колди. Бир куни имом хаммомда эди, шох хам ногахон ювиниш учун келиб колди. Бир-бирларига дуч келишганда шох хижолат чеккан холда унга савол берди: «Эй илминг билан элни бахраманд килган зот! Киёмат ишидан бир саволимга жавоб берсанг. Ул куни одамлар не холда бўладилар, кишиларнинг ахволи не кечади?» Сохиб камол аллома шундай жавоб кайтарди: «Сенинг максединг хашр сўзини эшитишдир. Бу сўзга шу хаммом жуда мос келади. Махшар куни гадо билан шох бир хил, бир кўринишда, иккови хам ялангоч бўлиб, давлату мол эгалари сенинг каби бору йўги ташкарида колади. Менга ўхшаган илм ахли эса йикканлари ўзи билан хаммом ичида хам бирга хамрох бўлади. Сен султон бўлсанг хам, ёнингда фойдали бирор нарсанг бўлмайди, лекин менда илм билан фойда, нажот жуда кўп бўлади», деди.

Илм, Навоий, санга максуд бил,

Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Ўн иккинчи мақолат

Калам ва калам ахллари хакида

Бу қандай ёқимли суратки, уни чиройли килиб, диққат билан ким яратган экан? Учлиги _ нозик маъноларни безатувчиси, тирноги _ чизгичнинг кон томири. Кушдек енгил тузилган бўлиб, тумшугидан хар томонга маъно сочилади. Овкати _ зулмат, ватани эса нур устида. Ок саҳифалар устига мушк сочади. Харакатлари тезу чаккон, ўлчамли, лекин учиш учун каноти йўк.

Куш дема, айтгил, хуш исмли кора илон, де, илон эмас, афсунгар, найрангбоз илон, де. Ялтироклиги, учкурлиги, кўл-оёқларининг яширинлиги бу фикрга шохид. Тилини чикарса, ундан афсунлар фош бўлади. Бу жахонда ким илоннинг афсунгарлигини кўрибди? Илон дема, пулларни асровчи дегин. Унинг идишларида, косаларида юз хил дуру жавахир яширин. Аждар каби огзидан тутун чикариб, тунни гавхар каби ёритади.

Аждар эмас, соглом аждар, балки Мусонинг хассаси дегил. Бўлмаса кандай килиб жахон сеҳрини, маънолар мулкинию баён сеҳрини ютди? Унинг мавжудлигига мунча шараф мавжуд экан, котиби макбул ёки мардуд бўлади. Канча-канча яхшию ёмон котиблар китоб битишга майл киладилар.

Аввал козихона котибини кузатайлик. Шаръий бўлмаган ишларга ризолик бериш унинг иши. Адолатли шохид унга ёлгончи гувоҳ, тухмат килиш учун пул олган гувоҳ. Нохак нарсани узундан-узук килиб ёзиб, коғоз юзини ҳам ўз юзидек кора килиб, барча хиёнатни диёнат билиб, барча диёнатда хиёнат килиб, Исо ҳам пул бермаса, унинг номига тўқкиз хотинни ёзиб, махр тўламагани хакида хужжат тилаб, ўз дафтарига бу ҳақда ёзиб ҳам кўяди. Ким унинг ёзганларига калам урса, ўз юзидек номасини ҳам корайтиради.

Кейингиси хийлакор муфтий бўлиб, хийла, макр ва алдовдан бошка иши йўқ. Кўнглига келган хар бир бўлмагур гапни тўгри деб дафтарига ёзаверади. Чўрига куёш кийимини кийдириб, дагалга Хасан кийимини кийдиришга уста. Беҳуда наволар ичига захр кўшиб, шамъ тубига куёшни яшириб ташлай олади.

Хохласа Амр ва Зайд хакида ўзаро мактуб ёзиб, йўқ нарсаларни ёзиб ташлайди-ю, «Валлоху аълам» деб Хак номини ҳам киритишдан кўркмай мактуб «яратади». Сафҳаси шабистон каби ораста, мухрлари тўлин ой. Диккат килган киши хар гул ичида юз тикан топади. Хар бир сўзида катор-катор хатолар топади. Бундай мактубларни ёзадиган котиблар бўйнини каламдек узиш керак.

Яна бири омили девондаги _ девон котибдир. Дев унинг ишларини кўриб хайратда қолади. Фалак унга амалдор номини берган, шу дордан бахра олсин дегандек. У бу амал билан жоми май ичиб, хоким каби мулкни горат этиб юради.

Косибу дехконга ҳам, косибу дехкон нима бўлибди, султонга ҳам зулм килади. Кайси вилоятга борса, одамларнинг хараму богида базм айлаб, уй эгасидан, аввал тоза май талаб килади. Уй эгасининг ахволини бузгач, шохид учун унинг хотинини ҳам чикариб юборади.

Омборидаги экишга мўлжаллаб кўйилган арпасини оти еб, товукларини сурук тотди еб, ўша уйга бало киргандек бўлади, бало эмас, худди вабо тушгандек бўлади.

Кентнинг бир-икки ёрдамчилари, зулмда бу хожа-ю, улар пахлавон бўлишиб, дўстига шох молини олтини-бир олтинга сотиб, сархат _ рўйхат тузишиб, товон солишиб, бир ракамга беш-ўн ракамни кўшишиб, ситам килувчи обод-у, ситам чеккан барбод бўлиб, ўз хатидаги варақдек осилсин.

Юкоридагиларни рад килсак, яхшилари ҳам бор. Аввало, мунший бўлиб, гох рукъа, гох нишон ёзиш билан шугулланишади. Мактубидан фирок асири шод бўлади, номаси рукъасидан ҳам яхширок.

Номасидан булбул гул сахифасидан роҳат олгандек хузур киласан. Хажр каро шомида нажот тонги бўлиб, фуркат зулматида хаёт суви бўлиб туюлади бу мактублар. Бу хатларнинг нишони ўзи яхши хабардек бўлади, ёзилган ичидаги хатлари эса завқдан нишон беради.

Зулм хакида мазлумга хатти омон, яъни озодлик хатидан зомин кўрган замон ваҳмга

тушади. Фойда беришда порлок нурли куёш шаклини эслатади.

Агар бундай муншийлар китоб битсалар, назм билан наср дурри хушоб, яъни хидли дур бўлиб, сафхалари хар бири гулзордек, жадвали атрофидаги девордек чикадики, сатрлар унда гулу сарви суман, хар икки сатр ўртаси эса дилкаш чаманга ўхшайди. Байтлари худди байтулхарамдек, чиройи эса Эрам богидек туюлади. Бундай муншийларни _ хат битувчиларни хато килишдан Хакнинг ўзи асрасин.

Ёкут хакида хикоя

Хаёт богининг гулшанида ўтириб шухрат қозонган кишиларнинг гули машхур мутасаввуф Шайх Сухравардий эди. Бир куни у Багдодда хукмронлик қилган халифа Муътасим саройига ташриф буюрди. Хижоз ахолиси Каъбага эътикод қилгани цингари халифа унга кўп хурмат кўрсатди. Уни тахтга чиқариб, кейин ўзи чиқди. Шайх одамларга ваъз сўзлай бошлади, халифа эса ерга кўз тикиб жим турарди. Шу пайт Шайх хурматли одамлар, шахзодалар ва амирлар орасида турган Ёкут номли кишини кўриб қолди-да, хаяжонланиб ўрнидан туриб кетди, хайратдан қотиб қолди. Унинг бу холатини кўрган халифа Шайхга мулойимлик билан мурожаат қилиб, «Эй не-не оқил одамлар оёгинг қанга бўлган одам, шохлар ҳам сенга қулук қилиб, у билан фахрланадилар. Бундай олий мартаба унга қаердан қелганки, сен унга бу хилда эҳтиром кўрсатмоқдасан?» деб сўради. Шайх деди: «Қайси бир хурмат ва мартаба худо унга берган хурмат ва мартабадан юксак бўлиши мумкин? Унинг иши доим қуръон кўчириш бўлиб, ҳеч қим у цингари кўчиролмайди. У

Худонинг сўзларига зийнат бергани учун уни хурмат қилиш бизга вожибдур».

Тушунган одамларнинг бошлигидан Ёкутни билгач, шох унга ўз мажлисига қелиб ўтиришни буюрди. У қўли пок одам хатининг яхшилиги туфайли мамлакат подшохи билан ҳамсухбатликка муяссар бўлди.

Ўн учинчи мақолат

Жувонмардлик хакида

Тонг қаби қумуш сочувчи бўлган инсон, меҳринг қуёш мисоли эл бошига сочилади. Субх қаби халқнинг юзига қулиб боқиб, фалак чархи қаби эл бошидан ўргуласан.

Қилган яхши ишларинг учун халқдан дуо оласан. Сен одамларга нафъ етказмакни шир айладинг, у наъфни ўзингга ёр айладинг.

Нафъинг агар халққа бешақдурур,

Билки бу нафъ ўзунга кўпрақдурур.

Булут денгизга ўз қатраларини сочса, бахр ҳам бу қатраларни покиза дурга айлантиради. Дехқон ниҳолни парвариш қилса, у гул ва мева беради.

Қимки зарар қелтиришга одатланса, элгагина эмас, ўзига ҳам жавр этади. Чунки шишани босиб синдирган инсон ўз оёғи яра бўлишини ўйлайвермайди. Хас-хашаққа шуъла тушиб аланга олса, уни қуйдиргач, ўзи ҳам ўчади. Қапалакни тутмоқчи бўлган бола дўпписини ерга уради-да, ўз бошини очик қолдиради.

Бирон бадавлат киши зўрлик билан халкнинг уругини тортиб олиб, уни ўз ерига экса, бу уругни чумолилар талаб кетиши мукаррар. Кимки фалакка караб тош отса, тоши ўз бошини яралайди. Пасткашлик белгиси ёмонликдир, Шуъланинг табиати хароратдир. Лекин ёмон одам ҳам ўзини яхши қилиб кўрсатса, нима ҳам дейиш мумкин. Аммо мушкни хар канча яшириб қўйилса ҳам, атри уни элга ошкор қилганидек, унинг ёмонлиги ҳам яширин қолмайди. Аслида яхши одам ҳам бою камбагал бўлса ҳам сезилиб туради. Худо бировнинг табиатини пок қилиб яратган бўлса, нопок одамлар уни севмаса, ҳечқиси йўқ. Мева остида данак ҳам, магиз ҳам бўлганидек, хар кимсанинг дўсти ҳам, душмани ҳам бўлади.

Яхши-ямондин бари эрмас жахон,

Лек ямон зохир-у, яхши нихон.

Чунки ямон кўпрак эмиш, яхши оз,

Жазмки, оз ўлгусидур яхши роз.

Бошкаларни писанд қилмайдиган одамлар яхшиларни асло писанд қилмайдилар. Ёмон қилиқларни ёктирадиган пасткашлар элнинг яхшиларини ёктирмайдилар. Хаёли ёмон фикрларга тўла инсонлар барча яхши фикрли кишиларга хасад қиладилар, улар тошларни лаъл ҳисобида билиб, барча садаф синикларини инжу ҳисоблайдилар. Бировнинг дастурхонида патир кўрсалар, осмондаги тўлин ойдек бўлиб кўринади. Бировнинг зарҳал айвонини кўриб қолса, ичини хасад кемиради. Хар киши гул исласа, унинг кўлига тикон ботгандек бўлади; эл шод бўлса, у бундан алам чекади, дард уни изтиробга солади.

Наби сўзи билан шод бўлиб, элга зарар етказиш хавфидан озод инсон! Хак фалак тоқини бино айлар экан, унинг ичида ушбу фонийлик дунёсини ҳам яратди. Даврон гулшанига нақшу нур бериб, хар гулини тобланувчи офтобга айлантирди.

Худо бу чаманни яратар экан, унга инсон гули мақсад бўлган эди. Инсонлар гуруҳи аро ҳам қомили пайгамбарлар шоҳи Ахмади мурсалдир.

Пайгамбарлар қуёшини шундай юқсак ва улуглиги билан сенинг шомингни ёритувчи машъал, сенинг шонингни айтувчи маддох қилди, нафъ етказиш ўлчовини тузиб, шу ўлчовга кўра сени одамларнинг яхшиси қилди.

Сен ушбу улуг мартабанинг кадрини бил ва унинг шукрини қил. Шукрни мумкин қадар кўпроқ қилмоқлик _ кўпроқ яхши сўз сўзламоқликдир.

Хайр муяссар гар эмас эл била,

Нафъ тегурмак ҳам ўлур тил била.

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,

Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Хам сўз ила элга ўлумдин нажот,

Хам сўз ила топиб ўлук тан хаёт.

Маъдани инсон гухари сўздурур,

Гулшани одам самари сўздурур.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,

Яхши керак қўнглида андешаси.

Хар бир инсон бошка бир одамнинг хурсандлигидан шодланиши, ноҳуш бўлса - ташвишли бўлиши керак.

Одамий эрсанг, демагил одами,

Оники йўқ халқ гамидин гами.

Бир кишининг ўлганини эшитиб хурсанд бўлган инсон гўрқову гассолу жаллоддир.

Учовининг кайси бирини тасаввур этсак, таъбимизни жирканиш, нафратланиш коплаб олади. Бу сифатлардан ҳам ёкимлирок яна бир иш бор, бу ҳам бўлса элга беришу олмаслик. Берган нарсани эсдан чикариб юбормок, берганни олмокни хаёл этмаслик яхшидир. Булут топганини эл устига сочгани учун ҳам Хак уни кудратли, даргохи кенг хукмдорга айлантирди. Одамлар сочган нарсаларни териб ўз маконига ташувчи чумолининг иши тириклайн гўрга кирмок бўлди. Хамма нарсани йигиб юрадиган шамол шу иши туфайли хамиша дарбадару хоксор.

Шиша юзларга гулоб сепгани учун уни орзулаб ток устида асрайдилар. Супурги хар учраган нарсани йигиб юргани учун эшик олдида хор-зор бўлиб ётади.

Санамларнинг зулфлари мушк таркатиб ётади. Шунинг учун ҳам куёш юзлилар уларни рухсори устида асрайди.

Яна бир мухим жихат чучук сўзларни очик юз билан айтишдирки, буни аччик бодани чучук сўз билан тутмокка ўхшатиш мумкин. Инъом беришда бу яхшиликни эсдан чикармаган инсон бир йўла яна икки гўзалликка эришади. Олтин лаган дилтортар мева билан тўлдирилган бўлса ҳам, унинг устига гуллар кўйилса, ортикча зеб бўлади. Олтин тожга зийнат берса ҳам, устида дур бўлса, янада чиройлирок кўринади.

Безалган дастурхон хар канча хурматга лойик бўлмасин, устидан канд сепсалар яхширок бўлади. Ундай инсон шу хил ахлоқ била юриб, жазога кўл урмай, жафо килмаса, дилхираликни шодликка айлантирса, хар канча жафо етганда ҳам вафо айласа:

Они башар хайлининг инсони бил,

Одамилар одамиси они бил.

Англа кишиликни мусаллам анга,

Юз кишиликча иш эса ҳам анга.

Хазрати Айюб ва ўгри хакида хикоя

Бир кеча Айюб халаф шамъдек ниёз кўз ёшларини тўкарди. Куйишда у шамъга шерик эди. Хилватда, бир бурчакда худди бебахо дур бир пана жойда тургандай ўтирарди. Шу кечаси бир кисавур ер остидан яширин йўл _ накб казиб, унинг уйига ўгирликка тушди. Кечаси билан ер остини казиб чикди. Айюб уни сезиб турса ҳам индамади. Ўгри накб ичидан чикиб, уйдан ўгирлаган нарсаларини оркасига боглаб олган холда накбга кирмокчи бўлувди, у ердаги тешик торлик килди, чунки юки жуда катта эди. Тор инига сичкон, куйругига галвир боглаб кирмокчи бўларди.

Айюб кўрдик, ўгрининг кучи етмаяпти. Шунда у ўрнидан турди-да, эшикни очиб йўл кўрсатди. «Юкинг катталиқ киляпти, накб тешиги эса тор экан. Эшикдан чикиб кетавер», деди.

Шайх шундай бир йўл кўрсатдики, ким ҳам бундай йўлдан чика оларди? Ўгри бу холатни кўриб хайрон бўлди, огир юк эса елкасидан босиб турарди. Шунда бир дард, аланга жонига ўт солди-ю, ундан осмони ҳам куйиб кетди. Эгнидаги юкни ҳам бу ўтга урди, ўзлигини ҳам куйдириб, ранжу уят уни шарманда килиб, хас-хашак каби ёндирди.

У наъра чекиб, сел каби кўз ёшларини тўкди, шайх оёгига бошини кўйди. Унинг караму лутфи тилини лол этди, жисмини бехол этди. Шайх карам килиб, кўз ёшини артди, бошини тупрогдан кўтарди. Унинг дарду ахволини англаб етган шайх ўйлаб кўришни маслахат берди. Сулук ўтига жони куйиб, нишони махв бўлди.

Ўзлиги хас-хашакдек куйиб, ўт билан ёруглик пайдо бўлди. Комил имон уни

парваришлади. Бир афв билан шунча иш юз берди.
Нетти Навоий, кўюбон телбалик,
Сен даги урсанг бир этакка илик.

Ўн тўртинчи мақолат

Фалак хайъати шикоятда

Эй кўнгил, олам бир найрангбоздир, унинг макрлари, алдовлари билан ранжийверма. Балки бир кўгирчокбоз каби хийлагар, томоша пардаси - чодиридан минг хил ўйинчокларни намойиш этади. Бир-биридан чиройли кўгирчокларни элга кўрсатишдан мақсади эса элни алдашдан, азоблашдан иборат.

Хам тўкиб эл конини тадбир ила,
Хам олиб эл жонини тазвир ила.

У, олам келинини ясатар экан, маккоралик килиб, уни турли безаклар билан янада гўзалрок килишга интилади. У гўзал келинни эрта тонгданок хушбўй гуллар билан безайди, гул билан юзига гоза суриб, зулф хамда эгнини сунбул билан ораста килади-ю, лола билан чехрасини кизил килиб, лола догидан ул чехрага хол ясайди. Сабза билан қошига ўсма кўйиб, шабнам билан юзига ёпинчик - меъжар тутуди. Хинодан панжаларига бўёк суртиб, сувни унга ойинадор килади. Огзини гунчалар билан пинхон килиб, сўзлаш чогида у гунчани очиладиган килади. Шахло наргисдан унга кўз ясаб, савсану раънолар тилидан сўз ўргатади. Кўзларига гамза билан ноз ўргатиб, гамзасига фирибгарлик таълимини беради.

Шунча гўзалликлар билан у олам келинини безаб, халкни унга мафтун этишга интилади. Энди хар ким у гўзални кўриб шайдо бўлгач, ўзи даллолалик килиб, икки тоқдан жуфтлар ясайди-ю, махрга жон давлатини белгилайди. Йигит ва киз бир-бирига ошик бўлгач, энди уларнинг жон билан имонига хужум килиб, дахр уйидан кувлайди. Олам шундай давом этаверади.

Инсонлар тинмасдан базмга келган одамлардек бу дунёга келиб-кетаверадилар. Фалак юз минг одамларни шу тарзда вайрон қилган, унинг жафосидан ох, юз минг ох!

Жахондаги барча жонли ва жонсиз нарсалар ундан шикоят қилдилар. Фалакнинг тўхтовсиз айланаверишидан тун билан кун хаёти остин-устун бўлиб кетган. Чеккан азобларидан куёш юзи саргайиб, янги ой хам беҳол. Тонг тўнини чок этиб, унинг гами билан шом либоси мотамий ранг. Фалакнинг азоб-укубатларидан ўтни ўз иситмаси бекарор қилса, елни югурмокдан чарчатади. Денгиз унга алами борлиги туфайли захар рангидадир, кон фалак зулмидан бахти каро, гўё ичини лахта-лахта кон боғлаган. У беихтиёр дурга жафо килиб, озор берганидан бу холатга чидай олмай кўз ёш тўқади. Булут холининг азоби унинг дардига бир кора ох бўлиб атрофида юради.

Чашма хам ўзи кўрган балолар туфайли бир кўзини йўкотган холда кўз ёш тўқади.

Булбул унинг аламидан диккат, шу туфайли гул тўни парчалари хам ерни коплаб ётади. Аммо фалак эл жонига хар канча ўт солса хам, берганларини барча одамдан қайтариб олади. Фалак хам ўзини элга якин тутиб, меҳрибонлик килиб, бир неча кун нашъу намо хам кўрсатади-да, бир неча кун элни ўз мақсадига эриштиргандек бўлади. Бировни молу давлат соҳасида Корун каби бойликларга эга қилса, бошқасини Фаридун каби тахтга

ўтказади.

Фалак эл холини синовдан ўтказиб, покни нопокдан жудо килади. Яхши билан ёмон маълум бўлгач, галвирини айлантириб, кўпрок ёмонлик килганларга лутф этиб, янада бойрок килади.

Саховатга нолойик кишиларга, билимсиз, одобсиз кишиларга олтин лаганларда кумушлар хадя килади. Покиза деб билган гулни жаннат гулзорининг зевари деб англайди-ю, тиканга мубтало этиб, узиб-совуриб юборади. Риндлар ичкилик қадахи терисини Хўтан мушки саклайдиган килди. Килични золим подшоҳ ёнига осиб кўйиб, кўплаб бегунох кишилар конининг асоссиз тўкилишига сабаб бўлди. Ўқдек тўгри яхши одамлар адолатни билмаган подшоҳнинг саройидан ўк камондан чикиб кочгандек кочадилар.

Кизиги шуки, яхши ёки ёмон одамлар ўз мухлати бўйича яшаб, тахт узра яшаганлар каби тахта устида бу дунёни ташлаб кетадилар.

Фалак тахт устида подшолик килган не-не улуг шохларнинг биронтасини ҳам омон колдирмади. Фаридуну Жамшид, Эражу Хушанг, Заххоку Салм, Манучехру Навзар, Бахману Скандар кани? Жахонгир Чингизхон, жахон хони Темур Кўрагон кани? Бу пасткаш олам биттасига ҳам вафо килмади. Кимни юксакка кўтарган бўлса, яна пастга улоктирди.

Давлату икболи ила бўлма шод,
Мехрига ҳам айламагил эътимод.

Хечдурур хосил-у, бокийси хеч,
Кеч боридин бот, вале кўйма кеч.

Сени ул этгунча забун, сен бурун
Айла ани фақр ила хору забун.

Кўлинг да бор нарсангни сочиб, ўз кўлинг билан фалакни шарманда кил.

Панжаи хуршиддек илгингни оч,
Анда неким сийм эса, оламга соч.

Искандар хакида хикоя

Барча китъаларни эгаллаган Искандар бутун жахон мулкига султон бўлди. У юриб олмаган бирон ер колмади. Хатто денгизлару уммонларгача унинг амрига кирди. Куллигини шохлар ихтиёр килиб, куллуқ килиш уларга ифтихор бўлиб колди. Хам шох, хам валий, хам пайгамбар, билимлар соҳасида тенгсиз олим бўлди. Жамшид ишини давом эттириб, жахонни кўрсатадиган жомлар ижод килдирди. Етти кўк хукми муяссар бўлиб, хам етти китъа унга бўйсунди. Шунчалик давлат, шону шавкат, бахт бўлса хам бу дунёни тарк этар экан, кўп ожизлигу бечоралик кўрди, кўплаб овораликлар унга дуч келди, кетар чоги олдида амирлари хам, хизматчилари хам бўлмади. Уларнинг барчалари яшил богда қолиб, ўзи каро тупрок ичига кирди. Нариги оламга жўнаш чогида ичини бу хил сўзлар билан бўшатди: «Ким бу нафас бежон холда жўнар эканман, шундай васият киламан: «Менинг жоним узилгач, ох билан оламини каро айлаб кабр томон олиб борар экансизлар, тобутим ёнидан бир кўлимни чиқариб кўйинглар, то бу кўлга кимнинг назари тушса, унга ибрат кўзи билан боксин. Билсинким, етти кишвар шоҳи, етти фалак мушкилларини хал кила олган шох бу макондан жисмида жон йўк холича бўш кўли билан кетяпти. Жахон мулкини хавас килган кишига шу тажриба, кўргани етарлидир».

Торт, Навоий, бу жахондин илик,
Кайси жахон, жавхари жондин илик.

Ўн бешинчи мақолат

Жаҳл майи хакида

Хурсандчилигинг жомга хамрохлик, жаҳл хумори туфайли ишинг доимо мастлик бўлган одам! Сенинг доимий айшинг камайишни билмайди. Сенинг муродинг доимо жаҳолат жоми. Май идиши сенинг ичингга бода лаззатини куйиши билан ўша лаззат кўнглингга гавго солади. Бода жонингга гурур хиссиётини уриб, ўзингдан бошқа ҳар қандай фикрни йўқ қилиб ташлайди. Ўлмак гами мотами ҳам, паймонанг тўлишининг гами ҳам қолмайди. Ажал назоратчиси етиб келса, нима қиласан, ундан қутулиш учун не чора топасан? Мухтасиб _ назоратчи жафо тошини май хумингга уриб, парча-парча қилиб ташласа, жисмингни бошдан-оёгинггача доғ устига доғ ўртаб, майингни қаро тупрокка тўқиб ташласа, нима қила оласан?

Идишингни ушатгандек, майинг лаълини ер қонидек қилса, буки билимсизлик майини беҳисоб ичасан, бу сенга бир қуни эҳтисоб қилинса-чи?

Сенинг мастлигинг неча ою неча йилдан бери давом этяпти, ой билан йил мастлигингдин айил!

Мастнинг бори тутуриксиз бўлади, кўчанинг болаларига масҳара, қулги бўлади. Маст одам кўчанинг бошидан жиннинамо юриб қеларкан, болалар ҳар тарафдан уни тошбўрон қиладилар.

У тўйганича ичиб олиб, майхонадан кўчага маст бўлиб чиқар экан, манглайи деворларга урилиб қон бўлиб, бошидаги салласи чувалиб, ҳар ёкка ёйилиб, элга қутурган итга ўхшаб ҳамла қилиб, қайси ёмон ит, қопагон итдек ҳар одамга ташланиб, жисмини мастлик ҳолати, ҳар сари қадам кўйса, ўша томонга яна бир қадам ташласа, селнинг ердаги кўлмак сувини ичиб, шароб хаёл қилиб шимирса, сой тошини кўриб қолиб қизил гулдек хидлаб роҳатланса, олам гулу тоши кўзига учраганда эса уларни бир ён отиб юбормокка мадори ҳам қолмаган бўлса, унинг бесўнақай отган тошларидан болалар гох тарқаб қочишиб, гох унга ўхшаш маст-маст ўйнашиб йиқилишса, йиқилиб, гох туриб, май унинг холини беҳол қилиб, соқолини ифлос қилиб, қуски соқолини неча бор нопок этиб, ит ялаб-ялаб тозалаб кўяди. Мастлик уйқуси қучайиб кўчада ухлаб қолади-да, бошидаги салласини ҳам, белидаги пулини ҳам тополмай, тўнини яна бир қароқчи олиб кетиб, худди ўликдан қафанни сугуриб олгандай қилишади. Қин қолибди-ю, кўлидаги пичогини олиб кетишибди. Қовушнинг ҳам бири қолиб, бирини йўқ қилишибди. Тўн этаги балчик бўлиб, олди хўл, олди хўл-у, аммо унинг олдида кўл.

Уйини топишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, узун кўчадан уни ҳар қанча изламасин _ тополмасди. Бутун аъзойи бадани титрокка зўрга қидар, оғзи эса ажаб бемаза таъм берарди. Ҳар қанча қидириб ўз уйини излаб тополмади. Тўнини фақат ўғри ечиб олган бўлмай, қолганини асос _ тунги соқчи олган эди.

Бу бечора мастнинг аҳволи ярасини тузатиш учун ўқ захмини ўзи ёриб очаётган одамнинг холини эслатарди. Боши айланиб гандирақлар, ҳуши озиб беҳузурликдан азобланар, қулогининг ости _ баноғуши ҳам яшиниб эгни ичига қириб қетганди.

Ўзининг холатидан хижолатлик устига мастлик беҳоллиги ҳамда махмурлик, яна ичкиликка ташналик кийнарни уни. Хумор дема, уни юз бало дегил. Бу балолар ёгилиб, жонига юз азоб солганди. Кўрки, билиб туриб шу ахволга тушди бу одам, кўрки, канча алам соляпти ўз жонига. Кўрки, ўз конига ҳам кириб, ўз жонига зулм килмокда. Буни ҳам кўяверинг-у, борган сари ўз обрўсидан ажралиб, эътиборсизликда қолиб, ялков, дайдилик касалига ҳам мубтало бўляпти. Бу маломатларга заррача парвоси йўк, ўзининг бетаъсир килмишларидан асло хижолат чекмайди. Шунча кабохатлари, бир-биридан хунук, ярамас ишларидан уялиш, ор килиш кераклигини англамайди. Қариган кампир канчалар хунук бўлмасин, унинг кўзига жаннат хури бўлиб кўринади. Ўжар бир шоир каерда нима деса, бунинг олдида, кандай бемаъни бир сўзни вайсаётган бўлса ҳам, бунинг учун сеҳрли бир асар. Итки қозон ошига тил текиздими, юзи қаролик билан хар ерда юзи кизил-да!

Эл-улус қатлига жаллод бўлган инсон ўглини ўлдирса ҳам хурсанд бўлаверади. Кўмир сочишни хунар қилиб олган қимса юзининг қора бўлишидан уяладими? Бойқуш обод ерда хар канча нахсли кўрингани билан вайрона ичида товусдек гўзал кўриниши шубҳасиз. Май танни вайрон айласа ажабланарли жойи борми? Сел уйни хароб айлаши аён-ку. Сел уйни итқитганидек, май сели хар кандай уйни вайрон қилмай иложи йўк.

Ўн олтинчи мақолат

Мақтанчок қишилар ҳақида

Эй, мардлик кўзгусида отини шижоат майдони аро суриб юрган, отини чакмоқдан кам санамай, кўзига Рустамни ҳам илмай, ҳаммасидан ўзини юқори тутиб, осмонгача «бошимдан тўрт илик, холос» деб қерилувчи инсон! Юриш чоғи оти қатталашиб, устида ўзини қоплон қаби пахлавон сановчи, эл олдида мақтаниб, ўзининг зулмат қори ичидаги қора қоплон қаби сезасан. Қибр билан қошларининг қимириниб, атрофга қимдан қердайиб боқасан. Ҳаёлида ўзгача қибр _ мақтаниш. Қердайиши хар қоши учидидаги қиринг _ тугунлардан ҳам қўриниб туради. Қулоқларига темир қалпоқчалар қийиб олган. Буларнинг мақсади _ одамларда ўзига эҳтиром қўзғатиш, зулмда Заххоқлигини _ қолимлигини қилдириш учун икки елкасидан икки илон қикариб қўйган. Икки мўйлаби икки ёнга даҳшат қолаётгандек қўринади, улар қўё нафсу ҳаво қушларига ҳалқа _ ов сиртмоғини эслатади. Қошида ўтағаси _ қигаси қарпираб туради. Ўзи уни руҳул-аминнинг _ Қаброилнинг шохқари деб мақтанса ҳам, аслида у иблиси лаъиннинг ташлаб юборган қунидан қошига тақиб олган қарларини бойқушдан қузиб олган бўлса ҳам, товус тоғи деб даъво қилади. Қалласи учини елкасига тушириб қўйганидан тебранганида қарданига урилиб туради. Қўрки учини иққари қилиб тикқиргани қирсу ҳаво қушларига ошён қилмоқчи бўлганидан _ мақтанчоклигидан.

Тўни ипақдан тикқилган бўлмаса қўнгли тўлмайди, энг нозик ипақлардан қўйлақ тикқиради.

Белига қаррин қамар, унинг остидан қаррин белбоғ боқланган, тўни бошдан-оёқ олтин билан тикқилган, ҳатто этигининг тақаси қарга бўялган, отидидаги эқарни ҳам қар қоплаган. Дев қамолини қариникидек қасатиб, тиканни қанги гулбарқидан қсаб, шохиди раънодек қилва қилиб, боғда иқиб гулқури зебо қаби қайдонда намоён бўлади. Атроқидида бир

неча ялковлар, бирида бўлсин аклу идрокдан заррача йўк ножинслар гулхан атрофига текинхўрлардек, ўлимлик атрофида тўпланган мурдорлардек «баходир»ни бегиму мирзам деб, ўзини чиройлию зебо деб эртадан кечгача хушомад килишади. Аслида ўзи ўртада деу атрофида шайтонлар тўдаси кўринади. Ичкилик ича бошлаганича бу ифлослик даражасига етмаган эди, майни мўл-қўл ичиб, еб-ичари харому хариш, ичкиликни кадах-кадах ичиб олгач, гурзи билан Бахром бошини янчиб ташлагандек бўлади хаёлида. Филни пашшача, аждахони чивиндек кўради-да, одамларига зўрлик _ зулм килиб, шохга таъна киларди: «Менга юз минг беради, юз минг-икки юз минг менга лойикми? Холим бу холда кечадиган бўлса, бошка мамлакат, бошка шох топилмайдими?» деб хафа бўлади.

Арзи хунар бўлса йигитлар иши.

Килса аён ўз хунарин хар киши.

Эйки, такаббур сени хароб этди. Бир киши ул сафдаги юз мингдан бири. Икки Рустам ишини бир Рустам бажаролмайди. Бу хил тасаввурлардан кутулиб, барини фано ўтига куйдириб ташлагил!

Ўн еттинчи мақолат

Бахор йигитлиги хақида

Куюш хамал буржиги киргач, фалак оламга ўз меҳрибонлигини зохир айлади. Тонг пайтлари сахарнинг мушк таратувчи насими _ майин шамоли эсиб, богда фаррошлик кила бошлади. Булут хам сувни сакко _ сув сепувчидек сепишга киришди. Бог супурилиб, сув сепилгач, райхонлар хурсандчилик билан бошларини кўтара бошладилар. Кейин улар ер юзига хужум бошлаган бўлиб, хар бири бир юлдуз каби ер осмонини тўлдириб юбордилар. Чиройли болаларни эслатувчи райхонлар кулиб яйрашар, атирларини хар ёкка таратиб, богдаги гуллар билан мусобака килишарди. Ранг-баранг гуллар гўзал хуснларини кўз-кўз килишаркан, шабнам уларнинг юзларини гулоб билан янада нафисрок безарди. Гунчалар бекинмачок ўйнаш билан банд. Улар икки томонда терилишиб «Гулхоча гул» ўйинини ўйнашарди.

Бахор болалари ёгоч деразалардан гул ва райхонлар ўйинини завк билан кузатишарди. Бир неча кун шу тарзда ўтгач, шохлардаги гуллар ўрнини япроқлар эгаллай бошлади, бог ўзининг оку кизилини яшилга алмаштирди. Шохлардаги дурлар ўрнини зумрадлар, лаъллар ўрнини забаржадлар эгаллай бошлади. Кейин дарахт тугмалари меваларга айланиб, бог меваларга тўлиб кетди.

Богбон бу меваларни йигиб олгач, бог юлдузи йўк осмондек бўлиб колди. У гўё мевасиз бир гулистон эди, гавхарсиз бир садафдек бўлиб колганди. Мевалар ўз тожларига кадаш учун дур топиша олмас, мевалардан айрилган шохлар беморлардек заиф бўлиб колишган, уларнинг шохлари гамгин ошиқлардек, юзлари саргайган дардли мажнунларга ўхшаб колганди. Богдаги сариг рангли япроқларни кўрган одам богни гам ўти куйдираётгандек хис этарди. Ахир япрогдан бокка ўт тушмаган бўлса, нега шохлар ўтиндек корайиб кетди?

Богларда бу хил оху фиғон тугаганича ҳам йўк эдики, барг кесувчи совук шамол эса бошлади-да, шохлардаги баргларни узиб ташлашга киришди-ю, уларни барглардан жудо қилиб, хар томонга ота бошлади. Япроқларнинг рангу сафоси ҳам колмай, ўлиқлардек бўлиб тупроқлар устига туша бошлади. Ел аскарлари богни талаб, мева дарахтларигина саф тортгандек ялангоч, бош-оёқ кора бўлиб, ариқлардаги сувлар занжири билан бир-бирига богланган фиғон тортаётган ялангоч асирлардек туришарди. Уларни барг деб эмас, ошхона ўтини, шох эмас, дўзах кундаси деб аташ тўғрироқ бўларди. Гўё дўзах жаннат гулистонига айланган-у, дўзах унинг олдида беҳишт богига айланганди.

Умр гулшанининг кузу бахори ҳам шу гулистонга ўхшаб кетади. Инсоннинг шараф уйи вақти етгач умр куёши пайдо бўлади. Кўпдан-кўп гунчалар қулиб, хадсиз-хисобсиз гуллар очила бошлайди. Гунчалар ўйнамок ва емак билан ором оладилар. Билим шами уларнинг миясига ақл нурини солмагунича, кўнгилларини идрок салохияти билан ёритмагунча, ёшлар ўзининг етилгани, юзи гулранг бўлганини англагач, жафо билан жонларини сайд этиб, базмларда лабларни май билан хурсанд қиладилар.

Бог гул ва чечакларни тарк этгач, навбат барг билан мевага етади. Хар бир дарахт гулшан кийимини кийиб илму адаб мевасидан бахраманд бўлади, илм-касб эгаллайди. Бири тафсирлар илмини ўрганса, бошқасини хадислар кизиктиради. Ёшлар мадрасаларни ўзларига оромгоҳ қиладилар, бошқалари хонакохларни хилватхона қилиб танлайдилар.

Ёшлик мевалари тўкилгач, бако гулшанини гўзаллиқлар тарк айлагач, ёшлик айёмининг мевалари тўкилиб, жахоннинг нафосату гўзаллиги тугаллана боргач, қадду комат дарахти гам елидан эгила бошлагач, гулдек юзлар хазон бўлиб саргая бошлайди. Тан дарахтида хавас барги колмай, кузнинг совук шамоли уларни учириб кетади. Кўзлар уйлар бурчагини талаша бошлайди, болалар кулгуси янграб, юзларни заъфарон қилади. Икки буқилган қад хассага таяниб аста одимлайди. Оғиз ичидаги дурлар тўкилиб, бир дона ҳам тиши колмайди. Юздаги ок туклар кафан ипларини хотирга солади. Ўлимни ўйлайверганидан боши қуйи эгилган, хайрлашиш учун қадди ҳам икки буқилган.

Бир неча кун шу ахволдаги изтироб билан кон ютиш, ох-фарёд ичида кечади. Ажал хабарчиси фармон бўлганида етиб келиб, унинг кўнглини хаёт азоблари, кексалик аламларидан куткаради. Бу базмга етиб келган хар бир одам навбат билан бу қадах _ ўлим қадахини ичади. Бу аччиқ қадахни тотган инсон йўқлик кўчаси томон маст холда йўл олади. Маст экан, ўзини ҳам билмайди, борганидан сўнг хабари ҳам келмайди.

Элни бу май айлади бир-бир адам,
Навбат эрур бизга доғи дам-бадам.

Орки, умрим билимсизлик билан ўтди. Ўлим вақти етганда хижолатликда колдим. Керак вақтда _ умр куни тамом уйкуда колдим, энди уйгонсам, шом вақти бўлибди. Шу вақтгача киладиган ишимни билмадим. Иш килиш куни етганида иш кила олмас куним келишини билмадим. Тириклик чоғим бўлур-бўлмасга нобуд бўлди, ўзимни ўлдирсам ҳам энди нима фойдаси бор?

Вақт кам-у, йўл узуну май ачик,

Асру катиг хол етибдур катик.

Агар Аллохнинг ўзи раҳм килиб кечирмаса, менинг холимга минг катла вой! Казо умр кунларини бўлакларга бўлиб беради, хар бири бир нарсага мўлжалланган: ўн ёшгача _ гафлат, эркин хаёт кечирिशга, йигирмагача _ билимсизлигу мастлик билан банд бўлиш мумкин. Ўттиз билан қирк ичида айш килиш, ваҳки, у ҳам менга насиб этмади. Инсон эллик ёшга борганда тараккий килиши мумкин эмас, олтмиш ёшида эса иши таназзулга _ пастга тушиш бўлиб қолади. Етмиш ёшда туришинг, саксонда ўтиришинг фарздир. Тўксон ёшда йикилмок, юз ёшда жон таркини килиш керак.

Умри табиий кишига бўлса ком,

Истар ўлуб, хар сари килгай хиром.

Умри табиий дема, гар умри Нух,

Бор эса, тавфикдин ўлмай футух.

Яхширок ул умрдин ўлмок йирок,

Умр неким, андин ўлум яхширок.

Ўн саккизинчи мақолат

Фалак гамхонаси хақида

Ақлли кишилар учун олам бир зиндондир, унга мафтун бўлган киши эса нодондир. Ўз қобилиятингни бу номаълумлик билан банд этма. Бу юмалок дунё хаммани охири тупрок остига жойлайди. Шундай экан ўша гамдан изтиробга тушиб, ўзингни ўлимдан бурун халок этишингнинг зарурияти борми? Ўлимни ўйлаб мунча мотам тутишинг нимаси?

Мотамни сенга амакию тогаларинг тутаверишади. Шундай экан, жонингга алам солиб, бир гамнинг ўрнига икки гам емагил. Ўй-фикрларинг билан жисмингни азобга ташлама, бир азобингни икки азоб айлама. Кўксингдаги доғ изтиробини қамайтириш ўрнига доғ устига доғ қўйиб нима киласан?

Фалақдан етган жафоларни унут, нимаки мушкул, огир бўлса _ осон тут. Бу оламда гам емай яшайдиганларни шод деб бил, чунки бу даҳр иши гам ейишга арзимайди. Чунки жаҳон боғи вафосиз, ундаги умр гули бакосиз, вақтинча. Ўзининг атиргулига вафо бўлмаган боғда атиргул ҳам бундай бокка вафодор бўлармиди? Шундай боғ ором олишга лойикми? Бундай гулдан димоғ муаттар бўлармиди? Бу умрнинг ўтган ишлари мактанарли эмас, ўтган нарса учун гам чекиш ҳам ортикча.

Оқил одам бу дунёга келиш сабабини айта олмайди, чунки маълум бўлмаган нарса хақида гапиришинг иложи йўқ. Келишингу кетмагингни билиш иложсиз экан, холингга раҳм айлагин-у, азоб чекаверма. Хурсанд бўлиш учун қачон бир пайтни топсанг, ганимат билиб ундан фойдаланабер.

Хар нафасинг чиройли бир жавҳардир. Ўша бир нафас сенинг яқин бир дўстинг. У хаёт

нафасигина эмас, инсон жавхари, жавхар эмас, хаёт суви ушбудир.

Шу бир нафас бўлмаса, эл каёкдан тирик бўларди? Барча зот унинг билан тирикдир, уни хаёт суви десам хато бўлмайди. Демак, уни мукаддас нафас дегил, балки мукаддасгина эмас, энг мукаддас нарса деб бил.

Шундай ганимат нарса сенга хамнафас, бирон нафас хам сен усиз бўлолмайсан. Сенинг саботинг _ баркарорлигинг, юриш-туришингу сенинг хаёлинг шу бир нафас туфайлидир. Сен уни ранжу гам билан, юз аламу мотам ила ўтказиб, эътиборсизлик билан уни хор килиб, хар хил сўзларга сарф этиб юрдинг. Кел, энди бу жохилликдан воз кечиб, аклинг билан иш кўр. Нафасингга бошка зулм берма! Шундай улуг неъматни Аллох сенга яхшилик килиб бериб кўйган экан, бир нафас насихатларига кулок тутувчи бўл.

Кўргин, Хак сенга кандай ажойиб неъматлар бахш этди, канчалик эхсону армугонлар берди! Бири буки, олам сохиби сени хайвон ё ўсимлик, ё бирон жонсиз табиат парчаси килиб яратмади. У сенга яхшиликни раво кўриб, инсон килиб, дин йўлида мусулмон килиб яратди. Кўрар кўз, эшитур кулок, айтур тил, атирни англаш учун димог берди; овкат ушлаш учун кўл, юриш учун оёк берди. Емок-ичмогинг учун юз хил неъмат бериб, уларнинг хар бирисига таъму шакл бахш этди. Сен учун шунча ранго-ранг либослар бердики, уларнинг саногига хам етиб бўлмайди. Шунингдек, дала-кирлар, тогу чўккиларда миниб юриш учун турли уловлар яратди. Окар сувларга сероб бўлган жаннат мисол богларни хам сенга армугон этди.

Бу инъом ва атолар бир бўлди-ю, акл жавхари яна бир тараф бўлди.

Барча жахондин килиб ашраф сени,

Айлади розига мушарраф сени.

Хар кайси неъмат дастурхони очиларкан, барчасига шукр айтиш сенга вожибдир.

Оллохнинг сенга берган барча неъматлари учун шукрини адо айламокликнинг имкони йўк. Хамма нарсани кўя турайлик-да, нафас хакида ўйлаб кўрайлик. Кириши-чикиши хам улуг неъмат.

Бири эрур кути хаётинг сенинг,

Яна бири куввати зотинг сенинг.

Иккаласи учун хаётинг ва кувватинг учун хар канча шукр килсанг арзийди. Жонингни фидо килганда хам бу икки нафас шукрини адо этолмайсан. Хак нафасингни азиз этган экан, сен уни хор айлама, каддини билгинки, нафасча не бор?

Хар нафасинг холидин огох бўл,

Балки анга хуш ила хамрох бўл.

Бошдин аёгигача кил сарфи хак,

Тенгри сенга ёр, ўкусанг бу сабак.

Яхшилиги айламасанг иш чоги,

Айламагил бори ямонлик доги.

Анда каю амрки, дилкашдурур,

Барчадин ахбоб юзи хушдурур.

Асра ўзунгни биров озоридин,

Кимсага озурдалик изхоридин.

Эл поклиги, аёлига касд килма, унинг жонию молига касд айлама. Бир нафас кайгудин озод бўлиб, ёру мусохиблар билан ширин сухбат кургин. Яхши дўстларни чорлаб, жонни уларнинг кадамидан гулшан эт, кўзни улар чехрасидан равшан эт. Саховат русумларини шиор айлаб, хар неки борингни уларнинг бошидан сочгил.

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,

Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.
Хар кишиким, бор эса ёре анга,
Хар кишиким, ёр эса боре анга.
Ком била васлини айлаб хавас,
Топса бу комига даме дастрас.
Бўйнига коним мени ёд этмаса,
Рухум ўшул ёд ила шод этмаса.
Васл аро унинг мақсади амалга ошиб, шу бахтини яна давом килдиришни истаса,
Яратганга шукрини янада кўпрок айтсин.
Комини килсун ҳақ анинг бардавом,
Жонига берсун бу давом ичра ком.

Чин гўзали хакида хикоя

Чин мамлакатиде бир нозанин гўзал бўлиб, унинг расмини хар кандай наққош чизишда ожиз эди. Юзлари Хўтан гулзорига ўхшар, кўзи бу гулзордаги мушкин кийикни эслатарди. Чехраси худди Чиннинг нурли куёши бўлиб, коп-кора хутан мушки унинг зулфи муанбарича бор эди. Унинг кўркув билмас гамзалари жонларни асир килар, хатто Хитой мулкидаги хонлар ҳам унинг асирга айланишганини сезмай колишарди. Унинг гамзаси талончилари дастидан Чин хатар остиде колган, турмакланган сочидан динга халал берарди. Жахоннинг бутун ахолиси унинг хусни хайронаси, замон шохи эса зулфининг ошуфтаси эди. Уни кўрмай колган инсон бир нафас ҳам нафас ололмасди, нафас олмагандан сўнг жон колармиди?

Шундай гўзал гулрух майдонда гўй ва чавгон ўйнаб юрар, ҳеч ким унга якин келмаслиги учун хон махсус одамлар белгилаган эди. Агар бирон киши унинг томон назар ташласа ё унинг хакида бирон сўз айтса, ундай одамнинг айби айтилгач ҳукм бўйича жазога тортиларди. Хар куни канча-канча йигитлар шу хил айб билан халок бўларди.

Шу кизга кўп йиллардан бери ошик бўлиб юрган бир ишк-мухаббат шайдоси бир панада яшириниб, ўз дилдорини томоша килиб ўтираркан, киз маст холида унинг устидан чикиб колди. Бода ичиб заифлашган ошик ўзига хужум килган душманига бас келолмади. Шунда бир неча бошка айбдорлар олдига уни ҳам солиб олиб келдилар. Бу асирларни кўрган даргазаб хон барчасини шахар деворига кўйиб лой билан чаплаб ташлашга буйрук берди, токи юзлари лойдан чикиб турсин, халк улардан ибрат олиб, жазоланганлар ҳам кўп азоб чекиб ўлсинлар. Хукм тезлик билан ижро этилди. Киз тог ичига яширинди, хон даштда сайр килиб юрган бўлса ҳам, отланиб шахар томон йўл олди. Ичиб олган хон ишк ўтида ўртаниб, шахар девори томон юрди-да, жазоланганлар ахволини кўриш учун ўша девор остиде келди. Хали деворга сувалмаганлар ох-нола килиб йиглашаркан, жазоланганлар томон юрди. Улар ўлим билан жон талашшарди. Маликага ошик бўлган йигит эса девор орасидеги сомондек азобланаётган, сариг юз билан изтироб чекаётган бўлса ҳам тангрига хар лахзада сано айтиб, шукр изхор килиб турарди: "Бу нафас жоним чикяпти-ю, ёр гами бу ишни осонлаштиряпти". Умрига икки-уч нафас колганда ёр сўзларини зикр этаркан, тилида ёр эди-ю, сўзиде ёр, огзиде ёр эрди-ю, кўзиде ёр.

Золим хоким бу холатни кўргач, кўнглига ишк ўти таъсир килди-ю, ўлимдан уни халос килиб, ёри турган томонга йўллади. Ишк балоси аро шукр килган йигит шундай мартабага

етди.

Асра, Навоий, бу нафас мугтанам,
Лек дегил, хар нафасе шукр хам.

Ўн тўккизинчи мақолат **Хуросон баёнида**

Аллох жахон ашёсини вужудга келтиргач, оламини пайдою ниҳон айлади. Етти фалакни юмалок килиб ясади-ю, хар бирини бир шамъ билан ёритди. Олтитаси гар шамъ порлаб турувчи бўлса, лекин бири нузли машъалдир. Учтасини куйига, учтасини юкорига жойлаштирди. Машъалани эса тўртинчи уйга жойлаштирди. Машъала эмас, порлок дур, дургина эмас, ялтирок куёш дегил. Кўкнинг етти иклимида султон хам ул, бошқалари тан бўлса, жон хам улдир.

Худди юлдузлар етти таксим килингандек, жахон хам етти иклимга бўлинган. Улар бир-бирларидан кувват оладилар, бир-бирларини тарбия хам киладилар. Куёш бу олти порловчига рахбар хисобланиб, иклими хам ўзига хосдир. Куёш ўз нури ором айласа, юлдуз кўзга кўринадими? Тўртинчи фалак унинг масканидир. Ерда бу иклим ёкимли бўлиб, кўкда куёш гумбазидек тенгсиздир. Ер ўлчашни хам алохида бир фан _ масохат фани деб атайдилар, шунинг учун тўртинчи иклим дейишади уни.

Ўзалликда жаннат боғидир у, жаннат боғини хам кўябер, мулки Хуросондир у: майдони тўртинчи фалакдан кенгрок, даражаси еттинчи осмондан юксакрок. Худудида шаҳр сон-саноксиз, хар бирининг безаклари хаддан ташқари кўп. Шаҳарлари ўзалликда жаннатнинг ўзгинаси. Яхши одамлари у жаннат боғидаги хурларнинг ўзгинаси.

Тоглари олдида фалак содда бир даштга ўхшайди, барчасининг кўксида юз хил кон, у конларни ранг-баранг жавахирлар ўзига макон килиб олганди, чашмасидаги сувни кўриб хам бўлмайти, бу сувлар кондан оқиб чиққани учун хам жавахирга айлангандир.

Сабзасига кўкимтир осмон рашк килса, тупрогидан тоза анбар рашк килади. Етти фалак бойликларининг хазинаси у, етти иклим тана бўлса, сийна _ ул! Унга жахон кўкси сифат бўлиб келган, унда кўнгил хиттаи поки-пойтахти Хирот.

Кимки бу шаҳарни кўнглидан севса, далил истаса, уни кўнгил мулкига султон деб атайди. Улуглар буни жахон кишварига шох деб тилга оладилар. Уни шох десалар ажаб эмас, чунки шох ери қалба эмасми? Хирот кўнгил ўрнида экан, ундан ахоли ҳеч кўнгил узолмайди хам.

Зийнати андоқки, бадан пайқари,

Вусъати андоқки, кўнгул кишвари.

Айтма кишвар, деки боғи Эрам,

Дема Эрам, айтқи Байтулҳарам.

Хиротнинг даврини ҳаёлан юз йилда хам кезиб чиқиш маҳол. Кўргонининг кўриниши шунчалик баландки, осмон хам унинг олдида уялади. Арқи тўккиз осмондан буюкрок.

Девори кунгуридаги куёш каби думалок, тешиқлар гўё барча фаришта ахлига меҳроблар. Фалак фили киргуча дарвозаси. Чукур хандақлари уни ернинг остки пардасидан ажратиб турарли даражада.

Тўрт тарафида бозор жадвали, кирган барча одамлар унга харидор. Кирса чикар йўлини тополмай барчанинг акли шошади.

Масжиди Жомеъ _ яна бир олам, шаҳар бир жаҳон бўлса, масжид билан шаҳар бир-бирининг ичида нixon. Масжидининг минбари Муштарийгача етади. Ой бу ажойиб шаҳарни найкамалак шакли каби ёритиб туради.

Шаҳар ичида бинолар бехисоб, калъасининг ташқарисида эса сонсиз-саноксиз уйлар кўплигидан уларни маҳаллаларга ажратиб, уларнинг отини ҳам Хирот деб кўйганлар.

Бундай шаҳарчалар ҳам юз шаҳр келади.

Оллох-оллох, не Хири, бу Хири,

Бир-биридан турфа анинг хар бири.

Иккита тургун юлдузи фалақидан нишон бўлса, икки хиёбони _ икки сомон йўли.

Мадрасалари бири бирисидан улугвор. Мударрислари ажойиботлар яратишга мохир.

Гунбази кошисида кун акси гўё кўк гунбази ичидаги куёшдек кўринади.

Богларининг хар бири жаннат мисол, хар манзил шодлигу хурсандчилик манзилдир.

Барча чаманлар гулу гулзорлик, хар чаманининг йўли гирихлидир. Хар гирихида гулу гулшан доғи бўлиб, мусаддас эмас, мусамман тарзидадир.

Гулларининг навини санаш ҳам кийин, уларнинг турларини санай олганча санаш мумкин-да! Дарахтини дехконлар доим парвариш килишади, бир шохининг ўзига юз мевани пайванд этишади. Хар дарахт юз хил гул очади, меваси ҳам юз турли бўлади. Хар бир дарахт, юз хил гул чикариб, хар гулининг атри бир ёғоч масофага боради.

Кушлари юз навъ-у, барчаси хуш сайроки, барчаси сабзау гуллар устини коплаб олади.

Сув шодиёна бир овоз чикариб шундай куй чалиб оқадики, худди булбул овозига ўхшайди.

Қасрлари барчаси юксак ва мустаҳкам. Жануб томонида бир ажойиб ховуз бўлиб, ховуз эмас, яшил осмоннинг бир қисмига ўхшайди. Шимол томонидан эса икки дарё оқиб ўтади, улардан шаҳар сувга сероб бўлади. Иккала дарёда ҳам хаёт зулолининг таъми бўлиб, жаннат боғидаги тўрт нарса ундан уятли. Ариқларида Хизр сувидек зилол сувлар оқиб турса, сувдан эсиб турадиган майин шабада Масих нутқини эслатади.

Миср билан Самарканд унга гўзалликда тенг келиши амри маҳол, Хирот зимнида юзта Мисру Самарканд бор десак хато бўлмайди. Уни Хак барча офатлардан асрасин, балолардан ўзи химоя қилсин.

Бу айтилганлар Хуросон таърифининг ўндан бири, холос. Мамлакат шох инсофи туфайли шундай шараф топди, унинг сифатларидан ақллар лол қолади. Хеч сўзсиз, Хисрави Гоzi _ Хусайн Бойқаро адолатига ҳамма лол. Унинг адолатини Ануширвон ўрганса, шогирдликни хавас қилиб, юз ишидан бир ишинигина _ адолатнигина ўрганарди, лекин исломни ўрганмасди.

Одамзод аро номи қолиб, оти юзларча шохлар отидек қолса ажаб эмас. Олам бани Одам билан, бани одам олам ичида экан, адл билан олам юзини обод қил:

Адл ила олам юзин обод қил,

Хулқ ила олам элини шод қил.

Хукмунг аро оламу одам доғи,

Йўқки бу ики яна олам доғи.

Йигирманчи маколат

Султон Бадиуззамонга насихат

Оламда зохир бўлган хар бир нарсанинг пайдо бўлиш сири бўлади. Мохияти нимада кўринса, хосияти унинг ичига яширинган бўлади. Куёшнинг хосияти нур ва харорат эканлиги туфайли булут нутфаси дурри хушоб бўлмиш. Якка халаф, яъни оиланинг давомчиси пок бўлган ягона фарзанд хам конга ўхшайди, анбар сифатида денгизга хам ўхшаб кетади.

Бу халаф инсонга хам инсондир, шохга _ шох-у, хонга хон эрур. Шахи озодани кондек кўрган бўлсак, шахзодани унинг гавхари сифатида кўрдик.

Билки эрур мояи амну амон,
Хисрави Жамкадр Бадиуззамон.

Улки дили гавхари яктодурур,
Барчасидин пояда аълодурур.

Унинг покликда зоти парилар цингари, бундай пок сифатли бирон зотни фариштадан хам топиб бўлмайди. Софликда, мулойимликда яратилган зот у, жахон халки ахлига Хакнинг раҳмати у. Нутк ила васфингни айтиш осон эмас, хар кандай сўзамол хам сифатларингни санашда гунгу лол бўлиб қолади. Куёшни халк мактагани-мактаган, лекин бу унинг учун канчалик таъриф бўла олади? Ойни ёруг, осмонни баланд деб таърифласанг, бу хил мактовни эл писанд килмайди.

Сени хар канча мактасам хам мадхингни айтиб тугаллашим кийин, шунинг учун сенга бошка жихатдан хизмат килай.

Ўзинг вокифсанки, шахи комкорга кўп махфий сирлар ошкор. Бугун бир нарса хаёлига келса, эртага хаммаси рўёбга чиқади, эрта эмас, индин бўладиган ишлар хам унга бугундан аён. Мунча камолот билан, кўнглинга неки яхши нарса келса айт деб хукм килибди. Шохга менинг сўзим хам эътиборлидир. Сенга бир неча насихат айтсам жоиздир.

Бил муниким, умр вафосиздурур,
Давлат ила жох бакосиз дурур.

Бу оламда хамма нарса кўз юмиб очгунча ўтиб кетади. Давр биносини хароб деб бил, кўринган нарсаларни сароб деб билгил. Бутун дунё фоний _ алдамчидир, бокийни тиласанг, у факат Хак эрур. Жисмимиз уйини тархини солувчи хам, унга рух бериб олгувчи хам Ўзи!

Олам аро токи тирикдур киши,
Хак била бўлмок эрур ансаб иши.

Хак ёдидан огох бўлмаган хар бир одам учун огохлик хам гадоликча бўлмайди. Гадо бўлса хам Тангридан огох бўлса, икки жахон шохига тенг бўла олади!

Олдинга келса тиламас иш басе,
Хакдин эрур, айлама нолиш басе.

Етса зафар, билма илик кучидин,
Бил зафару фатхни бергучидин.

Шохлигинга айламагил эътибор,
Хак газабу лутфига кил эътибор.

Узунканот кушлар фил минганларни бир лахзада халок этганини ёдингда тут.Биргина куш донаси хар бирининг манзилини йўклик оламига айлантиргани эсингдами? Заххонинг азоб-укубат билан топган хазинаси Фаридунга кандай насиб этганини хам биларсан? Кахридан шер енгилган бўлса хам, оддий сигир сутини ичган бир етим унинг бошини узди-я!

Бу ажойиб ишни кўрки, Хак ўз неъматларини халкка беришда сени сабаб килди. Сен бу қисматни кандай ўзгартира олардинг? Шу ҳолатда бир неча нодон сенинг фармонларингга бўйсунмаётган бўлса, барчасига амалдаги қонунларга кўра сиёсат килиш зарур бўлади.

Сенга Хак лутф килиб, тожу тахтни инъом килди, сенга қаромат, иқбол, бахт берди. Хукмингга оламини забун айлади, эл қаддини амрингга бўкди _ таъзим килдирди. Мунча яхшиликлар шукрини билмасанг, неки амр этган бўлса, адо қилмасанг, гафлатда қолиб ё мағрурлик килиб амрига бўйсунмасанг, кахри келадими, йўқми, айт, мен уни айтгунимча ўзинг айтакол! Газабнинг қаттиқ шамоли етса, нима қила оласан? Мулк унинг мулки бўлса, қаякка кетасан? Унга қарши душманлик килиб исён, уруш бошласанг, енгилиб бирон жойга яширинган холингга хам Холик буни кўриб турса, кандай ҳолатга тушасан? Сенинг эл олдида уятли бўлганинг Тангрига аён бўлса, не хол юз беради? Адолатли бўлай десанг Мухаммаднинг шаръий низомини туз. Қайси шох нажот уйига панох истаса, шу йўл ўша уйга олиб борувчи қатта кўча вазифасини бажаради. Шариат қонунларига амал килиб, адолат билан мамлакатингга мадор қилгил.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,

Адл бузук мулкни обод этар.

Яъни, шох адолат билан иш юритса, адолат унинг вайрон бўлган мамлакатини обод этади. Адолат билан мамлакатни бошқарган подшонинг сирот кўпригидан ўтиши хам осон бўлади.

Коминг учун туз бўл-у, адл айла иш,

Ўқда агар адл йўқ этмас равиш.

Яъни, мақсадингга етиш учун ҳамиша адолат билан иш қил, ёй ўқи текис, тўғри бўлмаса учолмайди. Адл, уч харфдан иборат бўлиб, хар бирида ўзгача мазмун бор: «айн» харфи қуёшга ўхшаш порлоқдир, у зулмининг қаро шомини ёруғликка айлантиради. «Дол»и давлату дин тожидур, дин била давлат эл мухтождир. Тожни қийиб, қуёш билан қўзни ёрит, сўнгра мустаҳкам бошқариш арқонини қўлингга тут.

Сенинг олдингда арз билан қелган мазлумнинг сўзи хар қанча узун бўлса хам, узок умр кўрай десанг, гапини тўхтатма. Арз қилувчи зулм ўтидан фарёд қилаётган экан, адлинг сояси унга панох бўлсин.

Мазлум сўзини тугатгач, унинг гаплари тўғри эканлиги аниқлангач, золим нафсинг бўлса хам, юзига қарама, нафски, доимо айшй истайди, сенга гуноҳ, ўзига мақсад тилайди.

Ганж устидаги илон бахр топсам дейди, унинг айтганини қилиб, азоб истама, тавба билан унга лойиқ жазосини бергил. Гуноҳ қанча улуг бўлса хам, надомат охи уни учириб юборади. Журм ўтининг шуъласи юқсалса узр ёшларининг сувидан паст бўлади.

Лутфу қарам қарчи эрур дилпазир,

Қаҳру сиёсат хам эрур ногузир.

Оламдаги қишиларнинг барчаси яхши бўлавермайди, хар қишининг ҳамма иши хам маъқул бўлавермайди. Агар яхшиликни барчага баравар қилинса, яхшилик ёмонга қўп-у, яхшига оз бўлади.

Яхшиликни тез-тез қилиб турсанг хам, сиёсат тигини хам баъзан ўткир қилиб тур. Неча

касалга канд фойдали бўлса хам, шундай касаллар борки, уларга захар фойда беради. Танадаги йирингга малхам ёрдам бермаса, у фасод ништарнинг учи билан чикариб бўлмаса ташланади. Замон шохи акл билан иш килар экан, яхшига _ яхши-ю, ёмонга _ ёмон бўлмоги керак. Иккисига бир хил муносабатда бўлса, мамлакатда инкилоб юз беради.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Хам яна оз иш била килма нажанд.

Одамларни тезда мансабда кўтармагил, хам озгина айби учун пастга туширмагин _ мансабини пасайтирмагин. Устунга чикмок _ истак, тилакдир, чикмок ва тушмок учун поядир. Поядан тез тушиб кетган одам йикилиши, ранжу алам тортмоги мумкин.

Кимники инсон десанг _ инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.

Яъни, хар кайси инсон ўз феълу атвори, рухияти билан бир-биридан фарк килади. Мукофотлаш ё жазолашда уларнинг бу хусусиятларини хам хисобга олиш керак. Муз шишаси билан шамъ ўзаро ўхшаса хам, иккисининг табиати икки хил.

Кимники айлай десанг махраминг,
Кўп синамай, айламагил хамдаминг.

Яъни, бировни синамай туриб якин олма, унга ишонма.

Гафлатда бировга бахо берма, яхши кўринса, яхши дема. Айбини билгач, сўнг пушаймон еб юрма. Тушда хур бўлиб кўринган киз уйгокликда шайтон бўлса, ажаб эмас.

Оз иш учун тунд итоб айлама,
Катлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўк ар кечрак ўлур катл иши,
Ўлса, сўзинг бирла тирилмас киши.

Сувда хубоб ўлса дамнингдин хароб,
Мумкин эрурму ясамоглик хубоб?

Яъни, ўлим жазосини беришда шошилма, бундай хукми кечрок чикарса, хеч зиёни йўк, аммо ўлгандан кейин уни тирилтириб бўлмайди. Сувда хубобни учуриб, яна ясаб бўладими? Яхшиси сиёсат чоги, яъни хукм чикараётганда, кечириш керак, аммо бу ўринда фаросат билан иш кўриш керак, албатта. Агар гувоҳ килинган гуноҳни тасдиклаган бўлса хам, шариатда ёлгон гувоҳликнинг ўтгани вакти кам бўлганми? Хар кишининг сўзи ёлгон бўлса, кейин хар канча рост гапирса хам ишонма! Рост сўзловчи одам касддан ёлгон сўзламайди, айни вақтда ёлгончи хар канча харакат килса хам, рост сўзлай олмайди. Тонготарнинг аввало ёлгондаками, кейин рости бошланади.

Тутма тузиб кину адоват фани,
Ўзга киши журми била ўзгани.

Яъни, бировнинг айби учун бошка бировни айблама. Кўйчивон бўлсанг, хар кўйни ўз оёги билан ос. Хаёлингга не келса, савобга ўхшаса хам, маслахатсиз иш тутишга шошилма.

Ўз ихтиёрингга кўп эътикод килаверма, ишончли кишиларнинг истагини хам хисобга олгин.

Шох аъёнларини кўпрок писанд этса, аъёнлар кўрадики, бу билан эл тилига банд солди. Бўлма малул ўлса кенгашда талаш,

Асру узун доги керакмас кенгош.

Яъни, кенгашда бахс кетса, диккат бўлма, лекин кенгаш жуда хам узайиб кетиши яхши эмас.

Киладиган ишингни чўзмай, вақтидан бир нафас хам ўтказмай бошла.

Ўз ишингни хар канча истаб турган бўлсанг хам, тангри иши олдида уни кейинга сур.
Дўстинг хато килса, у билан яхшилаб келишиб ол, чунки факат Тангригина бехато.
Уруш куни душман томонга карши юриш бошлаганигда, тезда тўра билан ясолингни туз
(уруш яроглари хозирла).

Урушда хужумга ўтиб, бехато зарба бер. Ўлимдан кўркма, чунки такдирсиз хеч ким
ўлмайди.

Алам етганда, икки кадам чекингунча харакат килиб, бир кадам илгари кўй.

Зафар Хак лутфидан бўлади, хатти-харакат, жасоратга хам ахамият бер.

Шундай юриш килгинки, сипох чексанг, лашкар тўпласанг, халкнинг дуоси сенга панох
бўлсин.

Урушда голиб чиксанг, бу шукрона учун маглубларни ўлдиришга касд этма.

Хар неки бу номада мастур эрур,

Барчага шох ишлари дастур эрур.

Хар ишда отангга ўхшайдиган бўлсанг «Ал валаду сирри абих» бўласен. Отангнинг хар
бир кадамига кадам кўйсанг, шунда ранжу кийинчилик кўрмагайсан.

Яъни: ўгилни мурид-у, отани пир бил, хар ишида айтган хукмини бажаришни одат кил.

Давлат ва пирлик истасанг, бу пир олдида айбдор бўлиб колма.

Хожа Абу Наср хакида хикоя

Унга Порсо лакаб бўлиб келган, ўзи эса аср нодири бўлса, унинг ўгли Хожа Абу Наср
эди. Отаси дунёни севмасликда энг покиза шохлардан бўлса, ўгли худди шундай покиза
шахзода эди.

Хожа Макка томон йўл олгач, Хожа Абу Наср хам у билан бирга боришга жазм килди.

Ота солики атвор _ тасаввуф пешволаридан шайхлик билан шугулланса, ўгли унга
сирдошлик киларди. Ота сахрода кайси томонга караб бир кадам ташласа, ўгил хам
шундай бир кадам ташлаб борарди.

Бир неча кун сахрода кезишгач, кўзлаган максадларига етдилар. Халк хаж арконларини
тамомлагач, яхшию ёмон, муршиду солик бир улуг кишининг халк истакларини адо этиб,
барча халойик номидан дуо килишини истадилар. Тўпланганларнинг барчаси Хожага кўз
тикдилар. Бу иш Хожа зиммасига юклатилгач, Хожа Абу Насрга ишора килиб айтдики: «У
менга илмда тенг, лекин бу хил баланд иш унга лойикдир. Йўлда рахбари бўлмаган хар
киши адашиши мумкин. Мен хамрохсиз эдим, Тангри менга уни йўлдош айлади. У йўл бўйи
мени парваришлаб келди. Кийин йўлларимни осонлаштириб, бехатар айлади. Мен
хаётимдан хавотир олсам, у мен хакимда ташвиш чекиб, ўзида Хакни хам, мени хам
фикрлар эди». Шундай деди-да, у элига ишорат килди, узр учун йўл колдирмади. Шамъ
каби кўз ёши тўкиб, ичи куйган чинордек бўлиб, рахмату афв истагини баён килиб, Хожа
ўрнидан туриб омин килиб турарди. Сўнгги дуо бу бўлдики: «Ё Аллох, сенга
уялганимдан панох сўраб илтижо киялпман, мен тилак тилаш илмини билмасам, менинг
оминимни зоеъ айлама. Бунда отамдек киши зиммамга бу ишни юклади».

Ё раб, ул омину дуо хурмати,

Ё ул ўгул бирла ато хурмати.

Ким бу ато бирла ўгулни мудом,

Давлату дин тахтида тут мустадом.

Ўзга ўгилларни хам эт мухтарам,

Унга ўгул, мунга иниларни хам,
Жумлаи оламга алар ихтиёр.
Олам эли ичра шаху шахриёр.
Шох дуосида туганди калом,
Эмди Навоийга эрур бода ком.

Бир кул хикояти

Халки яхшиликлардан бахраманд бўлган бир саховатли подшоҳ бўлиб, унинг бир хизматчи кули бор эди. У кўп йиллардан бери подшо ошпази бўлиб ишларди. Бир куни подшо шилон базми _ умумий зиёфат уюштирганда шох иштахаси жўш уриб турган чоғ, бахтсизлик юз бериб, ошпаз шох учун олиб келаётган иссик ошни унинг бошига тўкиб юборди. Одамлар «Подшо хозир уни ўлимга буюради, чунки унинг бу гунохига шундайин жазо муносиб», дедилар.

Шох хизматкорга бокиб, уни гоят гамгин холда кўрди-да, унга лутф кўрсатиб _ яхшилик килиб озод этиб юборди. Вазир дедик: «Сенинг мархаматинг чексиз, хизматкор ўз иши учун ўлимгагина махкум эди». Шох хурсандлик билан табассум килиб, «Бировни хижолат халак қилган бўлса, уни яна бир ўлдириш яхши эмас-ку! Шунинг учун уни яна бир жазолашга зарурат йўқ эди», деди.

Халк вакилларида бири гунохкоррок экан, у аввало афву меҳрибонликка муносиброкдир.

Ё Раб, унингдек қарам этувчи шох ҳузурида бошқа юз минг эшиқда хизматда бўлишдан афзалрокдир. Менинг гуноҳим ҳар неча кўп бўлса ҳам, шукрки, сендек илоҳим бор. Хижолат ичида менга жой қолмади, менга ўз эҳсонингдан эҳсон қилишинг мумкин. Лутфу қараминг қобили бўлмасам ҳам, улардан бирйўла ноумид ҳам эмасман. Мен қим-у, яхшилик денгизини бағишлашни ҳавас қилсам? Менга баҳо қилинган бир қатранинг ўзи етарли.

Шукрки, эҳсонинг бўлиб ёварим,
Топти ниҳоят варақин дафтарим.
Хайрати аброр кўриб зотини,
«Хайрат ул-аброр» дедим отини.
Қим ўқуса ё қилур эрса савод,
Рухум агар қилса дуо бирла шод...